БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 40 (18.218). • 17 февраль 1982 йил чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Л. И. Брежнев билан Ф. Кастрога ЖКСФ мукофоти

ГАВАНА, 15 февраль. (ТАСС). Касаба союзлари Х жаҳон конгресси ишининг якунловчи куни Жаҳон касаба союзлари федерациясининг СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев билан Куба Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Ф. Кастрога «Меҳнаткашлар манфаатларига хизмат қилиш ишидаги катта хизматлари учун» ЖКСФнинг олтин медалини бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Л. И. Брежнев ва Ф. Кастро ўртоқларга ЖКСФнинг мукофоти берилиши халқаро кескинлик юмшатилишини ва тинчликни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш ва бутун дунёда социал тараққиёт учун курашга улар қўшган гоят катта ҳисса кенг кўламда эътироф этилганлигининг ифодасидир.

ЖКСФ Бош секретари вазифасини ижро этувчи Н. Закария шу қарорни маълум қилди. Уни салкам 140 мамлакатдан келган делегатлар гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Японияда «Асахи» газетаси редакциясининг саволларига СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. ТИХОНОВнинг жавоблари

Савол: Совет Иттифоқининг иқтисодий аҳволини Сиз қандай баҳолайсиз, мамлакатингиз халқ хўжалиги ривожининг бош йўналишлари нималардан иборат? Ҳозир совет халқи ҳал этаётган энг муҳим иқтисодий проблемалар тўғрисида нима дея оласиз?

Жавоб: Совет экономикасининг ҳолати ва уни 1990 йилгача ривожлантириш истиқболлари КПСС XXVI съездида батафсил таҳлил этилиб, баён қилиб берилди. СССРдаги ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг энг муҳим жиҳатлари тўғрисидагина гапириб, экономикамиздаги ишларнинг аҳволи тўғрисида ҳар бир кишининг холисона хулоса чиқаришига имкон берадиган рақамларнигина айтиб ўтмоқчиман.

Совет Иттифоқи 80-йилларга қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий потенциал билан қадам қўйди. Ҳозир мамлакат 2,9 триллион сўмликдан зиёд жуда катта миллий бойликка эга бўлиб турибди. Халқ хўжалигининг асосий фондлари 1 триллион 854 миллиард сўмга етди. 1971-80 йилларда миллий даромад 55 процент кўпайди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш шу давр ичида 78 процент ошди. Мамлакат иқтисодий қудрати ўсиши асосида совет кишиларининг турмуш даражаси муттасил ошиб бормоқда. Давлатимиз уй-жой қурилишининг жуда катта программасини бажарди, натижада 107 миллиондан кўпроқ киши янги уйларга кўчиб кирди. Ўзининг уй-жой шароитларини яхшилаб олди, бу йилни ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, янги уйларга кўчиб кирганларнинг жами сони Японияниг бутун аҳолиси сонига тахминан тенг келади.

Яқинда биз беш йилликнинг биринчи йили плани қандай бажарилганини якунладик. Шуни айтиш керакки, мамлакат қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга салбий таъсир қилган қаттиқ қурғоқчиликка қарамай ва реакцион империалистик кучларнинг айби билан халқаро вазиятнинг кескинлашишига қарамай совет экономикаси узлуксиз ривожланиб, олга силжиди.

Ҳатто 1981 йилнинг мураккаб шароитларида ҳам Совет Иттифоқи умуман юксак иқтисодий натижаларга эришганлиги кўриниб турибди-ку, ахир. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 3,4 процент кўпайди. Таққослаш учун шуни айтмоқчимизки, ўтган йили умуман ривожланган капиталистик мамлакатларда саноат ишлаб чиқариши ҳажми атиги 0,8 процент ўсди, шу билан бирга Буюк Британияда 6 процент, Францияда 5 процент, Италияда 2 процент камайди.

Совет Иттифоқи ўзининг ўн биринчи беш йиллиги биринчи йилида социал вазифаларни ҳал этишда янги катта қадам қўйди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар бир йил ичида 3,3 процент ортди. Бир қанча категориядаги ходимларнинг меҳнат ҳақи ошди, тахминан 14 миллион пенсионерининг моддий аҳвоми яхшиланди, болали оилаларга давлат ёрдами кучайтирилди, умумий таълим мактабларининг ўқувчиларини дарсликлар билан бепул таъминлашни жорий қилиш давом эттирилди. Соғлиқни сақлаш, маданиятнинг моддий базаси мустаҳкамланди.

Шу билан бирга юқорида айтиб ўтилган сабаблар таъсирида аҳолини гўшт, сут маҳсулотлари билан ҳамда узоқ муддат фойдаланиладиган бошқа моллар билан таъминлашда қийинчиликлар бор. Давлат камчиликларни имкони борича тезроқ тугатиш чораларини кўрмоқда.

Энди совет экономикаси ривожининг баъзи бир йўналишлари ва энг муҳим проблемаларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Биз меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳамма турдаги ресурслардан, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан, яъни халқ хўжалигининг самарадорлигини белгилаб берадиган ҳамма нарсалардан оқилона фойдаланиш сингари муҳим вазифани ҳал этишга алоҳида аҳамият берямиз. Экономикани интенсивлаш бизда чинакам умумхалқ иши бўлиб қолмоқда.

СССРнинг энергетика программаси газ саноатини жадал ривожлантириши, шунингдек, атом электр станцияларида ва арзон кўмир энергиясидан фойдаланувчи иссиқлик электр станцияларида электр энергия ҳосил қилишни кенгайтиришни, янги энергия манбаларини қидириб топиш соҳасидаги ишларни янада кенг миқёсда ўтказишни назарда тутади.

Озиқ-овқат проблемаси ўн биринчи беш йиллиқдаги марказий программадир. Ишлаб чиқилаётган озиқ-овқат программаси аграр-саноат комплексининг ҳамма тармоқларини ўз ичига олади. Биз ишларнинг бутун комплекси бўйича қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга шу беш йилликда қариб 190 миллиард сўм ёки ҳамма капитал маблағларнинг 27 процентини ажратдик. Бошқа тармоқларда бўлгани каби бу соҳада ҳам сарфланаётган маблағнинг самарадорлигини оширишга, ердан, минерал ўғитдан, техника ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишга асосий эътибор берилмоқда.

Савол: халқаро аҳволга таллаулқи бир неча савол бермоқчимиз. Аввало, Совет — Америка муносабатларининг ҳолати хусусида қандай фикрдасиз ва Совет Иттифоқи ҳақиқатан ҳам нулевой қарорга тайёрми?

Жавоб: Афсуски, ҳозирча бу соҳадаги ишлар қулай йўлдан юришаётганини кўрсатувчи нишоналар йўқ. Бунинг устига Америка маъмуриятининг энг кейинги пайда қилган ҳаракатлари бу йўлда қўшимча тўсиқларни келтириб чиқармоқда.

Ҳолбуки, ҳамма ва биринчи галда АҚШ раҳбарлари ўзларининг кескинликни янада кучайтиришга, халқаро ишларга мухолифлик элементларини киритишга қаратилган йўли уруш хавфини кучайтиришдан, вужудга келган ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни ва бошқа алоқаларни бузишдан бошқа ҳеч нарса бериши мумкин эмаслигини тушуниб олишлари зарур.

Биз Совет-Америка муносабатлари зўравонлик дипломатиясига берилиш жазавасида бошланган калтабин сиёсий ўйин объектига айлантириб юборилишига қаршимиз. Биз АҚШ билан бир маромдаги, муқим муносабатлар тарафдоримиз. Бошқа, қандайдир проблемалар пайдо бўлиб қолса, шундай бўлиб туриши табиий, бу проблемаларни дўқ-пўписа қилмай, ёки тазйиқ ўтказишга уринмай, балки музокаралар воситаси билан, фикрлашиш, мулоқот йўли билан ҳал этмоқ керак. Бу гап, аввало, уруш ва тинчлик проблемасига бевосита дахлдор масалаларга таллаулқидир.

Қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш соҳасида ўз вақтида ўтказилиб турилган музокаралар сериясида ва биринчи галда СҚЧ хусусидаги музокаралар (бизнинг айбимиз бўлмаган ҳолда) тўхтаб қолганлигини нормал бир ҳол деб бўладими ахир? Йўқ, албатта. Вашингтонда ҳозир уруш тайёргарликларини жадал кучайтиришга очиқдан очиқ зўр берилаётганлиги, улар ўз иттифоқчиларини ҳам шу йўлга судраётганлиги аҳволни баттар ёмонлаштирмоқда.

Шу муносабат билан Қўшма Штатларнинг дунёдаги мавжуд ҳарбий мувозанатни ўз фойдасига ўзгартириш йўлидаги уринишлари беҳуда эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Дипломатик муомалага зўравонлик ва буйруқбозлик тилини жорий этиш учун қилинаётган интилиш ҳам Вашингтонга ҳеч бир наф бермайди. Бу нақадар эртароқ тушуниб олинса, ҳамма учун, шу жумладан АҚШнинг ўзи учун ҳам шу қадар яхшироқ бўлади.

Совет Иттифоқи Европадаги ядро қуролларини чеклаш тўғрисида Женевада ўтказилаётган Совет-Америка музокараларида салмоқли амалий қарорларга эришишишга муҳим аҳамият бермоқда. Бироқ, АҚШнинг музокаралар муносабати билан тутган позицияси ҳозирча умид бахш этаётгани йўқ. Америка маъмуриятининг илгари сураётган «Нулевой» вариант фақат номигагина шундай деб аталган. Амалда эса бу вариант ё НАТОнинг «қўшимча қуролланиш» деб аталган режасини амалга оширишга, ёки Совет Иттифоқининг бир ёқлама қуролсизланишига мўлжалланган — иккинчисининг ҳам моҳияти битта — бу вариант Европадаги, қолаверса бутун дунё миқёсидаги мавжуд ҳарбий мувозанатни бузиш. АҚШ учун кучларнинг устунлигини таъминлашга уриниш мақсадини кўзлайди.

Бундай ёндашув ўзаро мақбул битимга келиш учун асос бўлиб хизмат қила олмаслиги ўз-ўзидан равшан.

Совет Иттифоқи эса Европада ўрнатилган ёки Европани нишонга олиб турган ўртача олисликка учадиган ядро воситаларини анча миқдорда — бир неча баравар

(Давоми иккинчи бетда)

БАҲОРНИ ҚАРШИЛАБ

АГРЕГАТЛАР ШАЙ

Ўн биринчи беш йиллиқнинг иккинчи йилида Ватан хирмонига 11 минг тонна «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олган Пахтакор районидаги Акмал Икромов номли совхоз механизаторлари техника ремонти тугалланганлиги ҳақидаги рапортга имзо чекдилар. 46 экиш агрегати, 211 комплект борона, 56 чопиқ трактори, 17 та «БДТ-2-8» ер текислаш ва планировка қилиш механизмлари, 46 та ер ҳайдаш трактори тайёрлов чизиғига қўйилди. Бу муваффақият 86 киши ремонт ишларида гоят уюшқоқлик билан меҳнат қилишлари туфайли қўлга киритилди.

Пахта далаларида ҳам иш қизғин. Чўлқуварлар илиқ-иссиқ кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, далалардаги ишларни қизитиб юборишди. Энин майдонларини суғориш, яхоб беришга алоҳида эътибор бериляпти. Шу мақсадда сувчилар сони нини баравар кўпайтиришди.

Совхозда мўл ҳосил олиш бўлган маҳаллий ўғит жамғариш, энин майдонларига ташиб чиқариш эўр уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Бу ишга етарли миқдорда техника воситалари ажратилган. Темир Ҳазратқулов, Мелиқўзи Иброҳимов, Босим Назаров, Ҳамза Носиров сингари механизаторлар етакчилик қилаётган отряд аъзоларининг фидокорона меҳнатлари туфайли ҳар куни далага 500—550 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмоқда. Суратларда: совхоз ишчилар комитетининг раиси Рустам Бектемиров, ремонтчи-слесарь Аҳмад Рўзматов ва техника назорати комиссиясининг раиси Очил Қобулов ўртоқлар. Чапда ремонтдан чиқарилиб, тайёрлов чизиғига қўйилган сеялкалар.

Ф. Лутфуллаев фотолари.

КОММУНИСТЛАРНИНГ АВАНГАРДЛИК РОЛИНИ ОШИРАЙЛИК

16 февраль куни Тошкентда «КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш соҳасида республика партия ташкилотларининг вазифалари. Коммунистларнинг авангардлик ролини оширайлик, ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятнинг ҳамма соҳаларида уларнинг активлигини ривожлантирайлик» деган мавзуда Ўзбекистон Компартияси шаҳар ва район комитетлари биринчи секретарларининг семинари иш бошлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов семинарни очиб, КПСС XXVI съезднинг коммунистлар авангардлик ролини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда уларнинг активлигини ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш соҳасида республика партия ташкилотларининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Семинарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иккинчи секретари Л. И. Грековнинг «Кадрлар — партия раҳбарлигининг ҳал қилувчи бўғини. КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш учун кадрларга нисбатан қўйилаётган талаблар, уларнинг ўсиб бораётган роли ва масъулияти»; Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси И. Б. Усмонхўжаевнинг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида халқ депутатлари Советлари фаолиятининг муҳим масалалари. Советларда ишлаётган коммунистларнинг роли ва активлигини оширайлик»; Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетровнинг «Озиқ-овқат программасини актив ҳал қилайлик. Савдо-сотиқни янада ривожлантириш ва аҳоли талабэҳтиёжларини тўлароқ қондириш вазифалари»; Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари О. У. Салимовнинг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни яхшилаш вазифалари. Бу ишнинг жанговарлигини, актуаллигини, оммабоплигини, совет кишиларининг талаб ва эҳтиёжларига мувофиқлигини оширайлик»; Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Е. А. Айтмуротовнинг «КПСС XXVI съезди қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг интенсивлигини янада ошириш, уни бошқаришни яхшилаш тўғрисида Республикада ана шу ишнинг асосий йўналишлари. Қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигининг форма ва методлари»; Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари А. А. Хўжаевнинг «Капитал қурилиш — беш йилликнинг ҳал қилувчи соҳаларидан бири. Асосий фондларни ишга туширишни анча кўпайтирайлик, чиқимларни камайтирайлик» деган мавзулардаги докладлари тингланди.

Партия XXVI съезднинг, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорлари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва тавсиялари, деб таъкидланди семинарда, экономикага раҳбарлик қилиш, пухта ўйланган ва талабчан кадрлар сиёсати соҳасида, умумдавлат манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишда, партиявий, коммунистик этикани бузиш ҳолларига қарши курашда партия комитетлари олдига янги, масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Партия қатъий тежамкорлик режимига риоя этишни, халқ мулкига омилкорлик ва тежамкорлик билан қарашни, меҳнаткашларни коммунистик идеалларга чексиз садоқат руҳида тарбиялашни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон партия комитетлари, деб уқтириб ўтилди докладларда, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорлари асосида республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш вазифаларини амалга ошира бориб, коммунистларнинг активлигини ривожлантиришга, уларнинг куч, тажриба ва билимларини резервларни қидириб топишга, меҳнат самарадорлигини оширишга сафарбар этишга кўпроқ эътибор бера бошладилар. Коммунистлар меҳнатда фидокорлик, ишга виждонан муносабатда бўлишнинг муносиб намунасини кўрсатмоқдалар, қимматли ташаббуслар ва янги ишлар билан майдонга чиқмоқдалар. Бу эса хўжалик ва маданий қурилишнинг турли соҳаларида партия таъсирини кучайтиришга ёрдам бермоқда.

Семинарда партия ташкилотлари жанговарлиги ошганлигининг, уларнинг коллективларда юксак меҳнат ғайратини, яхши маънавий иқлимни вужудга келтира олиш маҳоратини кўрсатувчи яққол мисоллар айтиб берилди. Яхши ўзаро талабчанлик муҳитини, камчиликларни соғлом амалий танқид қилишни, ошкора фикрлашиб олишни ҳамма жойда йўлга қўйиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Қарорлар ижросини назорат қилиш ва текшириш — партия ишининг энг муҳим қисмларидан биридир. Бу қарорларнинг асосий сиёсий йўналиши партия раҳбарлигининг самарадорлигини оширишга, партия ташкилотлари фаолиятининг услуби ва методларини яхшилашга, экономикага партия, хўжалик ва давлат раҳбарлиги нисбатининг энг мақбул формаларини ишлаб чиқишга қаратилиши лозим.

Семинарда партия комитетлари фаолиятининг турли жиҳатлари, халқ депутатлари Советларида, касаба союз ва комсомол ташкилотларида коммунистлар ишини активлаштириш соҳасида, меҳнаткашларнинг муҳим эҳтиёжларига, барча мавжуд ички резерварларни қидириб топиб, ишга солиш проблемаларига коммунистларнинг эътиборини кучайтириш борасида партия комитетларининг кундалик вазифалари ёритилди. Партия комитетлари барча соҳаларда ўз таъсирини кучайтириб, ўн биринчи беш йилликда республика олдида турган вазифалар муваффақиятли ҳал этилишини, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигининг муносиб кутиб олинишини таъминлашлари лозим.

Семинар ўз ишини давом эттиради. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

«Қишлоқ ҳақиқати» газетасида эълон қилинган «Савдодаги қора доғлар» мақоласи тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қайд этадики, республика партия, совет, хўжалик органлари аҳолига савдо хизматини яхшилаш, белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни бажариш, тармоқдаги салбий ҳолатларни бартараф этиш борасида муайян иш олиб бормоқдалар. Кейинги вақтларда социалистик мулкни ўғирлашга, растраталарга, кам ўлчаш, ҳаддан уриб қолиш ва харидоргир моллари яшириб қўйишга қарши кураш кучайтирилди. Савдо ташкилотлари, маъмурий ҳуқуқни қўриқлаш органлари жамоатчилик билан биргаликда совет савдоси қоидаларига риоя этилиши ҳамда маҳсулотлар ва молларнинг тақсимланишини яхшилаш юзасидан конкрет чораларни белгиладилар ва уларни амалга оширмоқдалар.

Шу билан бирга бу соҳада олиб борилаётган иш ҳамиша ҳам самарали бўлаётгани йўқ, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотларининг айрим раҳбарлари совет савдоси қоидалари бузилишига нисбатан ҳамон муросасозлик қилмоқдалар, меҳнат коллективларида сиёсий-тарбиявий ишларни суст ўтказмоқдалар.

«Қишлоқ ҳақиқати» газетаси Самарқанд областидаги давлат ва кооператив савдоси корхоналарида ўтказган рейд давомида жиддий камчиликлар ва суиистеъмол қилиш ҳоллари аниқланди. Текширилган кўпгина магазин ва умумий овқатланиш корхоналарида камчил моллар яшириб қўйилганлиги харидорларни алдаш ва уларнинг ҳақидан уриб қолиш фактлари фош қилинди. Мақолада тўғри қайд этиб ўтилганидек, область ижроия комитети савдо бошқармасининг, область матлубот союзининг раҳбарлари кадрларни таниш ва жой-жойига қўйишда етарлича талабчанлик қилмаётганликлари, камчил моллар тўғри тақсимланиши устидан назоратни сусайтирганликлари, савдо қоидаларини бузувчиларга нисбатан етарли даражада принципиаллик қилмаётганликлари сабабли шундай аҳвол вужудга келган.

Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитети, район партия комитетлари, область савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг бошланғич партия ташкилотлари айниқса моддий жавобгар бўлган шахслар ва ёшлар ўртасида тарбиявий ишларга етарлича эътибор бермаяптилар. Область прокуратура ва ички ишлар органлари бир қанча ҳоллларда савдо ташкилотлари ва корхоналарида қонунларга риоя этилиши қандай аҳволда эканлигини суст анализ қилмоқдалар. Савдо ходимларининг ҳуқуқларни бузишларига имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни тез-томини билан тугатишда етарли равишда сабот-матонат кўрсатмаяптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси Самарқанд областида аҳолига савдо хизматини яхшилаш тўғрисидаги масалани ўз вақтида кўтариб чиққанлиги ва у муҳим масала эканлиги уқтириб ўтилади.

«Қишлоқ ҳақиқати» газетаси мақоласини текшириш натижалари Самарқанд область партия комитетида, Ўзбекистон ССР Савдо министрлигида ва «Ўзбекбирлашув» правлениесида кўриб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Область ижроия комитети савдо бошқармасининг бошлиғи А. Аминовга, область матлубот союзи правлениесининг раиси А. Мардонқуловга савдо ташкилотлари ва корхоналари фаолиятидаги жиддий камчиликлар ва нуқсонлар, совет савдоси қоидалари бузилишининг олдини олиш, давлат мулкининг асралишини таъминлаш соҳасида етарлича иш олиб бормаётганликлари кўрсатиб ўтилди, уларнинг ўринбосарлари Э. Ф. Фишер билан П. И. Чернишевга қаттиқ хайфсан эълон қилинди.

«Коопвнешторг» конторасининг директори Степанянц, Нариманов чакана савдо бирлашмаси директорининг ўринбосари Алибеков, Боғибаланд қишлоқ матлубот жамиятининг раиси Баракаев, Янгийўл қишлоқ матлубот жамияти савдо бўлимининг мудири Халилов, область матлубот союзи кадрлар бўлимининг бошлиғи Шульга лавозимларидан озод қилинди.

Оқдарё район ички ишлар бўлимининг терговчиси Пўлатов жиноий ишни қўзғашдан асоссиз бош тортганлиги ва уни тўхтатганлиги учун у тергов ишидан четлаштирилди.

Пастдарғом, Оқдарё, Пайариқ, Жомбой ва Самарқанд район партия комитетларига коммунистлар — савдо ташкилотларининг раҳбарларидан Ортиқов, Пак, Шарипов, Бурхонов ва Халиловларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш топширилди.

«Савдодаги қора доғлар» мақоласида кўрсатиб ўтилган совет савдоси қоидаларини бевосита бузган кишилар лавозимларидан олиб ташланди ва уларга нисбатан жиноий ишлар қўзғатилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Самарқанд область партия комитетига, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув» правлениесига савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишини ташкил этишда зарур тартиб ўрнатиш, омборлар ва базаларда етарли миқдорда мавжуд бўлган молларни сотишдаги узилишларни бартараф этиш, камчил моллар хусусида қилинадиган қаллобликларнинг пайини қатъиян қирқиш, шу соҳадаги суиистеъмолларнинг барча формаларига қарши кураш кучайтириш чораларини кўриш вазифасини юклади.

Салбий ҳолларга қарши курашда маъмурий ва ҳуқуқни қўриқлаш органларининг, давлат савдо инспекциясининг, кооператив контроль комиссиясининг ролини ошириш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини ички устидан контролликни мувофиқлаштирувчи область комиссиясининг фаолиятини активлаштириш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Область партия комитетларига хизмат соҳасидаги салбий кўринишларга қарши курашга доир илгари қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан контролликни кучайтириш топширилди.

Қабул қилинган қарорда аҳолига савдо хизматини яхшилаш учун партия, совет, хўжалик раҳбарларининг, савдо ходимларининг масъулиятини ошириш, бу ишда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш энг муҳим партиявий иш деган кўрсатмаларига доимо амал қилиш зарурлиги таъкидланди.

Тармоқ меҳнат коллективларида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, илгари ўз обрўсини тўкиб қўйган ходимлар ва шахслардан ҳали бўлиш, савдо ва умумий овқатланишда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ҳамда тарбиялашдан ҳамма ишлар қатъиян яхшиланишини таъминлашдан — энг муҳим вазифадир.

Мусобақа Ёкундалиги

ҚЎҚОН

Охунбобоев номли тикувчилик фабрикасининг тикувчи-мотористкаси Л. Якушенко учинчи квартал қисобига ишлай бошлади. У тикувчиликнинг барча жараёнларини ҳамда тез ишлаш усулларини мукаммал эгаллаб олган. Ҳозир илғор ишчидан ўрнак олиб Д. Матмусаева, В. Макеева, С. Иброҳимова ва бошқалар ҳам нормаларини ортиғи билан бажаришга эришмоқдалар. Уларнинг фидокорлиги туфайли корхона ўтган январь ойида топшириққа қўшимча 32 минг сўмлик маҳсулот тайёрлади.

ШЎРЧИ

Бир беш йиллиқда ўн йиллик ва ундан ҳам зиёд шахсий нормани ўринлатишга сўз берганлар орасида КПСС XXVI съезди делегати, Шўрчидаги 77-автокорхона ҳайдовчилари бригадаси бошлиғи Дамин Маматқулов ҳам бор. Ташаббускор шофер партия ва халқ олдида берган сўзини шараф билан оқлаётир. У ўтган йили 26,8 минг тонна юк ташишга улгурди. Бу, план 206 процент бажарилди, демакдир.

Ҳайдовчилар бригада пудрати асосида ишлаб, инерт материалларни ташишда приценлердан унумли фойдаланмоқдалар. Кўп юк кўтарадиган автопоездларни муваффақиятли бошқаришяпти. Натижада корхонада ташилаётган юклар ҳажми 30, юк обороти эса 79 процент ошди.

Дамин Маматқулов ва унинг ўртоқлари СССР 60 йиллиги шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туриб, қўлга киритилган муваффақиятларни тобора мустаҳкамламоқдалар.

МУБОРАК

Газни қайта ишлаш заводида табиий газдан самарали фойдаланишга қаратилган янгиликлар дадиллик билан жорий қилиняпти. Масалан, олтингугуртга бой «нордон» газ илгари печларда ёқиб юборилади. Чунки мавжуд технология уни тозалаб беролмасди. Яқинда ишлаб турган участка реконструкциядан чиқарилди. Шу туфайли олтингугурт ҳосил қилиш 82 процентдан 86 процентга кўтарилди.

Японiядаги «Асахи» газетаси редакциясининг саволларига СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. ТИХОНОВнинг жавоблари

(Боши биринчи бетда).

қисқартириш тўғрисида келишиб олишни таклиф қилмоқда. Мана шундай қилишнинг ўзи Европа қитъасидаги ядровий қарамақаршилик даражасини жуда пасайтирган бўлур эди, бу ердаги тинчлик негизларини мустаҳкамлаган бўлур эди.

Аммо биз, — Совет давлатининг бошлиғи Л. И. Брежнев аниқ-равшан қилиб айтганидек, — бундан ҳам кўпроқ иш қилишга, Европа қитъасида умуман на ўртача олисликка учадиган, на тактик ядро қуроли бўлмаслиги тўғрисида келишиб олишга ҳам тайёрмиз. Мана бу пропаганда найрангбозлиги эмас, балки чинакам нулевой қарор бўлур эди.

Савол: Ҳозирги вақтда дунёда Польша тўғрисида кўп гапирмоқдалар. Ҳарбий ҳолатнинг жорий этилиши бу мамлакатни танглик ҳолатидан чиқариб олади, деб ҳисоблайсизми ва Совет Иттифоқи Польшага қандай ёрдам бермоқда?

Жавоб: Афсуски, дунёда Польша тўғрисидаги гапсўзларнинг чеки бўлмаяпти. Баъзи бир Ғарб давлатларининг сиёсатида Польшадаги воқеаларга аралашиш, суверен Польша Халқ Республикасига қўпол тажоз ўтказиш мақсадини кўзловчи жуда хатарли йўл вужудга келди. Польшада ҳарбий ҳолат жорий этилганлигини бу мамлакатларда Европада ва бутун дунёда тинчлик учун хавф деб тасвирламоқдалар. Тинчликка ҳақиқий хавф эса — поляк халқининг фақат ички иши бўлган воқеаларга халқаро кризис тусини бериш йўлидаги уринишлардир, албатта.

Америка маъмурияти ва бошқа баъзи капиталистик давлатлардаги расмий доиралар Польша масаласидаги позицияларининг мунофиқлиги кишини қайратга солади. Улар оғизда ўзларини поляк халқининг «ҳимоячилари» қилиб кўрсатадилар, амалда эса бу мамлакатдаги вазиятнинг нормаллашувига халақит беришга бутун кучлари билан интиладилар. Мазкур сиёсатдонлар Польша проблемасидан халқларнинг тинчлиги, ҳамкорлиги ва хавфсизлиги манфаатларига зарар келтирадиган тарзда фойдаланишга интилиб, шу тарика масъулиятсизлик қилаётганликлари кишини ғазабга келтиради.

Бу сиёсий авантюризм социалистик ҳамдўстликкагина қарши қаратилиб қолмаганлигини равшан кўрмоқ зарур. АҚШ мана шу авантюризм ёрдамида капиталистик дунёдаги рақобатчилик курашининг баъзи бир вазифаларини ҳал этиб олишга, Қўшма Штатлар билан иттифоқлар орқали боғланган бир қанча давлатларнинг мустақиллигига путур етказишга умид қилмоқда.

Польша проблемаси халқаро майдонда АҚШ устунлигини таъминлашдан иборат империалистик сиёсатни, тазйиқ ўтказиш ва жазо чоралари кўриш сиёсатини, шу жумладан ўз лагерида ҳам, шунингдек социалистик дунё билан мухолифлик сиёсатини рўёбга чиқариш учун баҳона сифатида танлаб олинди.

Польшада ҳарбий ҳолатнинг жорий этилиши ПХРнинг конституциясига тўла мувофиқ равишда қўйилган ва конституцияга қарши давлат тўнтаришининг олдини олиш учун қўйилган қадам бўлганлиги маълум.

Тўла асос билан айтиш мумкинки, ҳарбий ҳолат Польша жамиятини анархиядан, ҳонавайронликдан ва граждан урушидан сақлаб қолди. Польша маъмурлари берган изоҳларга қараганда, Миллий қутқариш ҳарбий кенгашининг бош вазифаси мамлакатдаги ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдан ва жамоат осойишталиги учун гарантия яратишдан иборат.

Ҳарбий ҳолат жорий этилиши хусусида Польшага қарши тўқиб чиқарилган турли-туман уйдирмаларга ПХР сейми жуда яхши жавоб берди. Қонун чиқарувчи бу олий орган ҳарбий ҳолат жорий этилишини якдиллик билан маъқуллади бу тадбирни Польшани тангликдан чиқариб олиш учун зарур ва жуда муҳим шарт деб баҳолади.

Польшага берилаётган совет ёрдамига келганда шуни айтиш керакки Совет Иттифоқчимиз бўлган қардош поляк халқининг нормал турмуш қайта тикланишидан астойдил манфаатдордир. АҚШ ва НАТОдан фарқли ўлароқ Совет Иттифоқи Польша ишларига аралашаётгани йўқ. Польшада тангликнинг бўлиб турган бутун даврда бизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлигимиз ривожланаверди. Биз қардош поляк халқига анчагина иқтисодий ёрдам бердик. Ҳозирча Польша савдо-сотиқдаги мувозанатни таъминлашга қодир эмаслигига қарамай, Совет Иттифоқи ўзининг иқтисодий мажбуриятларини бажариб келганлиги ва бажараётганлигини уқтириб ўтмоқ керак. Польша томони бизнинг позициямизга ва бизнинг ёрдамимизга юқори баҳо бераётганини мамнуният билан қайд этамиз.

Савол: Совет—Хитой муносабатлари ва бу муносабатларнинг истиқболлари тўғрисидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

Жавоб: Совет — Хитой муносабатларининг ҳозирги ҳолати ҳаммага маълум. Ўтмишда бу муносабатлар қандай бўлганлигини эслатиб ўтишга зарурат бўлмаса керак. Бу муносабатлар ҳозир ва келгусида бизнинг назаримизда қандай бўлиши мумкин эди. Совет Иттифоқидагилар бу муносабатларнинг қандай бўлишини хоҳлайдилар — бу ҳақда бир неча бор жуда равшан қилиб ва мўътабар даражада айтиб ўтилди.

СССРнинг Хитой хусусидаги сиёсати принципиал ва изчилдир. Бу сиёсат партиямиз съездларининг қарорларида белгилаб берилди. Л. И. Брежнев партиямизнинг XXVI съездида барча совет кишиларининг фикрини ифодалаб, Совет Иттифоқи Хитой Халқ Республикаси билан мухолифлик йўлини қидиргани йўқ ва қидирмайди ҳам. У билан алоқаларни яхши қўшничилик асосида қуришни хоҳлайди, деб айтди.

Бизнинг Хитой халқига нисбатан ҳурмат ва дўстлик туйғуларимиз ўзгармай қолаётгани каби, Хитой билан муносабатларни нормаллаштириш тўғрисида кўп йиллар давомида биз неча марталаб киритган таклифлар ҳам ўз кучида қолаётганлиги ва шу съездда таъкидлаб ўтилди.

Совет — Хитой муносабатларининг ҳозирги ҳолатидан биз мамнун бўла олмаймиз, албатта. Бунинг учун бизнинг позициямиз сабаб эмас. Маълумки, Хитой раҳбарлари халқаро ишларда Совет Иттифоқига, унинг иттифоқчиларига ва дўстларига нисбатан душманлик йўлидан қайсарлик билан бормоқдалар. Дунёда Совет — Хитой муносабатларининг янада ёмонлашишига зўр бериб ҳаракат қилаётган бошқа кучлар ҳам бор. Мана шуларнинг ҳаммасидан кўз юмиб бўлмайди.

Биз Совет —Хитой муносабатларида тенг ҳуқуқлилик асосида ва ҳамжиҳатлик руҳида ҳал этиш мумкин бўлмаган проблемалар йўқ, деган нуқтаи назарга асосланиб келдик ва ҳозир ҳам шу нуқтаи назарга асосланаяпмиз. Биз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни яхшилаш йўлидаги конкрет қадамлардан қайтмоқчи эмасмиз. Аммо бу жараён бир ёқлама бўлмаслиги керак.

Савол: Сиз Совет—Япония ҳолати, сулҳ шартномаси тузиш истиқболлари хусусида қандай фикрдасиз?

Жавоб: Яқинда мамлакатларимиз дипломатия муносабатлари тикланганлигининг 25 йиллигини нишонладилар. Тарихий жиҳатдан чорак аср — унчалик катта муддат эмас. Шундай бўлса ҳам, иккала томоннинг кучғайратлари туфайли бу вақт ичида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтириш учун бирталай ишлар қилинди. Савдо-иқтисодий алоқаларимиз кенгайди, фан-техника, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик фаол амалга оширилмоқда. Буни, таъбир жоиз бўлса. Совет—Японня муносабатларининг ютуғи дейиш мумкин.

Афсуски, айниқса, кейинги йилларда бир жойда маълум даражада депсиниб туриш, ҳатто алоқаларни ривожлантиришга сунъий равишда тўсқинлик қилиш ҳолати ҳам сезилмоқда. Хўш, бу ҳолат нималарга намоён бўлмоқда? Аввало, бизнинг мамлакатимизга нисбатан гиз-туман нодўстона кампаниялар Японияниг расмий маъмурлари иштирокида авж олишида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга бизга Совет—Япония муносабатларини барқарор ривожлантириш учун Японияниг Совет Иттифоқига нисбатан қонунга хилоф равишда территория даъволарини қондириш шарт қилиб қўйилмоқда.

Бунга жавобан шундай дея оламан: СССР билан Япония ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш — гап сиёсий шартномалар тўғрисида борадими, савдо-иқтисодий ёки бошқа алоқалар ҳақида борадими, бундан қатъи назар, — иккала мамлакат баб-баравар манфаатдор бўлган ишдир. Шу сабабли қандайдир шартлар ёки талабларнинг ўртага қўйилиши жиддийлик нишонаси эмас.

Совет Иттифоқи Совет — Япония муносабатлари учун мустаҳкам шартномага асосланган негиз яратилишининг тарафдори бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу пайтгача сулҳ шартномаси тузилмаган экан, бунинг учун биз гуноҳкор эмасмиз. Бундай шартнома йўқлигининг сабабини ўзингиз яхши биласиз. Бу—Япония томонининг нореалистик позициясидир. Биз ўз муносабатларимизда гўё ҳал этилмаган «территория масаласи» деб аталган мавзу йўқ эканини неча марталаб, шу жумладан энг юқори даражада ҳам айтганмиз.

Ҳолбуки, Япония томони 1973 йил 10 октябрдаги Совет—Япония баёнотининг баъзи бир қоидаларини бир ёқлама тарзда ва сохталаштириб талқин этишга уринмоқда. Маълумки, матбуотда эълон қилинган бу баёнотда сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги музокараларни давом эттиришга аҳд қилинганлиги ёзиб қўйилган.

Совет Иттифоқи «территория масаласи» мавжудлигини тан олди, деб даъво қилиш эса бизнинг позициямизни қасддан бузиб кўрсатиш ва Япония жамоатчилигини чалғитиш демакдир. Япония томонининг бундай хатти-харакатлари сулҳ шартномаси юзасидан бир битимга эришиш истиқболини асло яқинлаштирмайди.

Совет—Япония муносабатларининг шартномага асосланган негизи тўғрисидаги масала муносабати билан бизнинг яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиш ҳақидаги таклифимизни эслатиб ўтмоқчиман. Бу таклиф ҳозирги кунгача ҳам ўз кучида қолмоқда. Япония тегишли равишда тайёр бўлган тақдирда иккала томон учун мақбул ҳужжатни ишлаб чиқиш мумкин бўлур эди.

Савол: Сибирь ва Узоқ Шарқнинг табиий бойликларини ўзлаштиришда Япония билан бундан буён ҳамкорлик қилиш имкониятлари борми?

Жавоб: Л. И. Брежневнинг Т. Доко жаноблари бошчилигидаги Япония иқтисодий ташкилотлари федерацияси раҳбарларининг делегацияси билан 1976 йил августида Қримда бўлиб ўтган учрашуви эсимга тушди. Ўшанда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг 10—15 йилга мўлжалланган программасини ишлаб чиқиш тўғрисида гап бўлган эди.

Шу аҳдномани ривожлантириш йўлида томонлар компенсация асосидаги бир қанча катта миқёсли лойиҳаларни рўёбга чиқаришга киришдилар. Аввало, Совет Узоқ Шарқининг ўрмон ресурсларидан. Жанубий Ёқутистон кўмир ҳавзасидан фойдаланишдаги ҳамда Сахалин оролининг денгиз соҳилида нефть ва газ разведка қилишдаги ҳамкорлик шулар жумласига киради. Асосан шу лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар етказиб беришнинг умумий ҳажми 1976—1980 йилларда шундан аввалги беш йилликка нисбатан икки ҳисса кўпайиб 12 миллиард сўмдан ошиб кетганини айтиш мумкин.

Ҳозирги вақтда ўрмон тўғрисида иккинчи бош битим тугаганлиги муносабати билан бу соҳадаги ҳамкорликни давом эттириш тўғрисида бир фикрга келинди. Шу беш йилликда Жанубий Ёқутистондан Японияга коксланувчи кўмир юборила бошланади. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши 20 йилга мўлжалланганлиги ўзларингизга маълум.

Сахалин ороли соҳили яқинида қидирув мақсадида парма ланаётган кон қудуқлари ҳам дуруст натижалар бермоқда. Геология-разведка ишлари тугалланиб, конларни қуриш имкониятлари ўрганиб бўлингач ва бошқа техника масалалари ҳал этилгач, ҳамкорликнинг иккинчи босқичига — конларни қуришга ҳамда Сахалин гази ва нефтини Японияга етказиб беришга ўтиш мўлжалланмоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, эришилган натижалар Совет Иттифоқининг ҳам, Японияниг ҳам иқтисодий тараққиётидаги замонавий даражага ҳозирча мувофиқ эмас. Бундан ташқари, мазкур натижалар ҳам, шунингдек, савдо алоқаларимизнинг ривожланиш суръатлари ҳам Совет Иттифоқининг Ғарбий Европадаги бир қанча давлатлар билан ўзаро иқтисодий муносабат соҳасида эришилган суръатлардан бирмунча орқада қола бошлади. Кўп жиҳатдан бунга муносабатларимизда Совет Иттифоқининг Ғарбий Европадаги етакчи мамлакатлар билан экономика, саноат ва фан-техника соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида тузган узоқ муддатли ҳукуматлараро битимлари ва шу ҳамкорликни 10—15 йилга ва ҳатто 25 йиллик даврга мўлжаллаб ривожлантириш программаси сингари муҳим ва мустаҳкам пойдевор йўқлиги сабаб бўлмоқда.

Совет—Япония савдосини ва иқтисодий ҳамкорлигини нормал ривожлантиришни у ёки бу сиёсий проблемаларнинг ҳал этилишига боғлиқ қилиб қўйиш учун Японияниг ўзидаги муайян доиралар қилаётган уринишлар бизнинг иқтисодий алоқаларимизга халақит берувчи таъсир ўтказаётган бошқа бир муҳим фактор бўлиб турибди.

Совет Иттифоқи савдо-иқтисодий соҳадаги давлатлараро алоқаларни тўхтатиш ва чеклашнинг ҳеч қачон ташаббускори бўлиб чиқмаганлигини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Шу кунларда катта аҳамият касб этаётган энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ҳам ўзаро куч-ғайратлар сарфланадиган истиқболли соҳа жумласига қўшиш мумкин бўлур эди.

Иккала томон бундай ҳамкорликка тайёр ва манфаатдор эканини билдирган тақдирда мана шундай лойиҳаларни бемалол амалга ошириш мумкин, албатта. Совет Иттифоқи савдо-сотишни кенгайтиришга иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни эътибор билан кўриб чиқишга ва қўллаб-қувватлашга ва бу ташаббуслар иккала томон учун манфаатдор бўлган тақдирда уларни ўзининг иқтисодий ривожланиш планларига киритишга тайёр.

ГРУЗИЯ ССРГА БАҒИШЛАНГАН ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

ДАДИЛ ОДИМЛАР

Серқуёш республика меҳнат коллективлари ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг шонли юбилейини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш учун курашиб, катта зафарларни қўлга киритишмоқда. Енгил саноат корхоналари ишчи-хизматчиларининг меҳнат муваффақиятлари, айниқса, қувонарлидир. Куни кеча Гори ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида янги маҳсулот тайёрланди. Баҳор-ёз мавсуми учун мўлжалланган газламага «Марина» номи берилди. Маҳсулотга бундай номнинг берилиши бежиз эмас.

Корхонада тўқувчи Марина Албуташвили номини ҳурмат билан тилга олишади. У социалистик мусобақа пешқадами. Республикада биринчилардан бўлиб, кўпстанокчилик ҳаракатини бошлаб берди. 22 та станок ўрнига 35 та станокка хизмат кўрсатмоқда. Шу боисдан ҳам янги маҳсулот унинг номи билан аталди.

Бирлашманинг барча участкаларида «Қолоқларсиз ишлайлик!» шиори остида мусобақа штаблари тузилган. Улар ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши юзасидан ҳар кунги ишларни назорат қилиб борадилар. Илғор тажриба мактабида эса Марина Албуташвили ва бошқа пешқадамларнинг иш услуби ўрганиляпти.

Корхонада 200 та янги технология асбоб-ускуналари ўрнатилганлиги маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам берди. Ҳозир корхона маҳсулотининг тўртдан уч қисмига давлат Сифат белгиси берилган.

* * *

Суратда: Абастуманск астрофизик обсерваториясида. Телескоп олдида — Грузия ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Е. Харадзе (ўнгда) ва астрофизик радио-электроника лабораториясининг раҳбари А. Кароль.

(ТАСС фотоси).



ВИЗИТ ТУГАДИ

Эрон энергетика министри Х. Ғафурий Фард бошчилигидаги Эрон делегацияси Ўзбекистон меҳнаткашлари қаёти билан уч кун давомида танишди.

Меҳмонларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Ҳўжаев қабул қилди. Улар Тошкент ГРЭСи ва Чорвоқ ГЭСида бўлдилар. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Делегация аъзолари Бухорода тарихий ёдгорликлар билан танишдилар.

Делегация 15 февралда мамлакат бўйлаб қилган сафаридан Москвага қайтиб келди. Шу куни Иқтисодий алоқалар давлат комитетида Совет Иттифоқи билан Эрон ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлигининг бориши тўғрисидаги протокол имзоланди.

Эроннинг СССРдаги элчихонасида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Х. Ғафурий Фард журналистлар ҳузурида нутқ сўзлаб, делегация Совет Иттифоқида самимий кутиб олинганлигини уқтириб ўтди.

Делегация кечқурун СССРдан жўнаб кетди. (ТАСС).

ПАРТИЯ БИЛАН ДАВЛАТНИНГ АТОҚЛИ АРБОБИ

Москва экранларига чиқарилган ҳужжатли фильм «Партия билан халқнинг содиқ фарзанди» деб аталган. Бу фильм КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев туғилган кунининг 75 йиллигига бағишланган. Совет халқи, жаҳон тараққийпарвар жамоатчилиги ана шу санани тантанали нишонлади.

Замонамизнинг атоқли сиёсий арбобига Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Олтин Юлдуз» медали, шунингдек, бошқа бир қанча мамлакатларнинг мукофотларини топшириш маросими экранда тасвирланган. Бу мукофотлар ўртоқ Л. И. Брежнев халқ бахт-саодати, тинчлик иши ва коммунизм идеаллари тантанаси йўлидаги тинимсиз фаолияти туфайли эришган юксак обрў-эътибор ва иззат-ҳурматнинг ифодаси бўлди.

Фильмга мукофотларни топшириш маросимида Леонид Ильич Брежневнинг нутқлари киритилган. Шу нутқларда у барҳаёт Ленин ишининг янгидан янги муваффақиятлари йўлида бундан буён ҳам куч-қувватимни аямайман деб ишонтирди.

Кинолентани ҳужжатли фильмлар Марказий студияси суратга олган. (ТАСС).

КАТТА ЙЎЛ БОСҚИЧЛАРИ

16 февраль куни Самарқандда Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўрқ», «Эсдаликлар» асарларига бағишланган виставка очилди. СССР Марказий революция музейи ходимлари тўплаган тўрт юздан кўп экспонат — ҳужжатлар, фотосуратлар, расмлар бу китоблар саҳифаларига безак бўлиб хизмат қилади. Москвадан юборилган материаллар Самарқанд музейларининг экспонатлари билан тўлдирилмоқда.

Виставкада рассом Б. И. Пророковнинг плакатлари, унинг жасур қораденгизчилар, Кичик ер ҳимоячиларининг жасоратларига бағишлаб ишлаган расмлари қўйилган. Экспозицияга ҳарбий эсдаликлар — фашистларга қаттиқ зарба берган ракета установкаси, оловларда куйиб қорайган дала сумкачаси қўйилган. Кичик ер ҳимоячилари орасида бўлган ўзбекистонлик рассом В. Л. Рождественскийнинг асарлари ҳам кичик ерликларнинг жасоратлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Стендларга оғир индустрияни тиклаш билан боғлиқ бўлган ишларни акс эттирувчи график асарлар жойлаштирилган. «Запорожсталь» заводида ўрнатилган домнада ишлаб чиқарилган дастлабки тўғандан қуйилган буюм ҳам шу ерда. У билан ёнма-ён «қошиқча» тўприбди. Пўлат эритувчи И. Ничепоренко урушдан кейин биринчи марта ишга туширилган мартен печидан ана шу «қошиқча» билан намуна олган эди.

Кўплаб экспонатлар Леонид Ильич Брежневнинг «Қўрқ» китобига ишланган расмлардир.

Виставка бўлимларидан бири Леонид Ильич Брежневнинг асарлари бизнинг мамлакатимизда ва чет элларда қанчалик манзур бўлганлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

(ЎзТАГ).

КЎЧМА ВИСТАВКА

«Сурхондарёликлар КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш учун курашда» номли кўчма виставка Сурхондарё областидаги барча район марказлари, кўплаб саноат корхоналари ва қурилиш майдонлари, колхоз ва совхозлар бўйлаб намойиш қилинмоқда. Бу виставкани область ўлкашунослик музейи ташкил этган.

ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИ

БИЗ — СОВЕТ ХАЛҚИМИЗ

Беполён мамлакатимиз меҳнаткашлари СССРнинг шонли 60 йиллик юбилейига катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Редакциямизга келаётган хатларнинг аксарлигида шу ҳақда фикр юритиляпти. Бугун биз иккй авлод вакили — 1927 йилдан КПСС аъзоси Йўлдош ота Тошқориев билан 1977 йилда ўн тўққиз ёшида партия сафига ўтган Зулайҳо Сатторованинг хатларини эълон қиляпмиз.

ФАХР

Ёшим саксон бешга бориб қолди. Улуғ Октябрь қуёши барқ уриб чиқиб, оламни мунаввар қилганида йигирма ёшларда эдим. Ўшанда кўплар қатори менинг ҳам қувончим дунёга сиғмай кетган эди. Нега энди қувонмай?!

Иқилобдан аввал: «Бой-бойга боқар, сув сойга оқар», деган гап бўларди. Чиндан ҳам шундай эди. Бизлардек бева-бечоралар учун осмон йироқ, ер қаттиқ бўлганди. Отам Тошқори Бадалмуҳаммад ўғли мардикорлик билан кун кўрувчи бир камбағал бечора бўлган экан. Уч яшар бўлганимда у киши вафот этибдилар. Ҳа, ўша замонларда арзимаган дард билан ҳам камбағаллар оламдан кўз юмиб кетаверарди.

Болаликданоқ тириклик ўтказиш фикрига тушиб қолдим. Ҳали-ҳали эсимда. Тошкентнинг Эски шаҳрида очилган «Гуломия» матбаасига шогирд бўлиб ишга киганимда ўн бир ёшларда эдим. Бу хусусий корхона Ғулом Ҳасан Орифжонов деган киши томонидан очилган эди. Тошкентлик шоирлардан Ҳайбатуллахўжа Орифхўжа ўғли Хислат ҳам шу ерда ишларкан.

Асли петроградлик бўлган Иван Петрович Данилов деган киши мастеримиз эди. Ширин сўз, меҳрибон бу рус йигити биз ўзбек ишчиларига матбаачилик сирларини ўргатди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонганидан кейин Иван Петрович Данилов она шаҳрига қайтадиган бўлди. Биз уни Тошкент вокзалида самимий кузатиб қолдик. Устозимнинг оталарча ғамхўрликлари ҳамон ёдимда.

Мен атоқли шоримиз Ғафур Ғулом билан бир маҳаллада ўсиб-ундим, бир умр дўст-биродар бўлдим. Қалби қанчё қадар кенг бўлган рус ўғлони Иван Петрович Данилов ҳақида ўйлаганимда дўстимнинг мана шу оташин байтлари ёдимга тушади:

Менинг оғам рус бўлур!
Виждоним буюрганни
Шу шеърда ёзолсам,
Виждондек дуруст бўлур!
Коммунизм асрига
Йўл топиб берган руссан,
Шарқликман, бир
ўзбекман,
Улуғ оғам, омон бўл!

1927 йилда мени Ленин партияси сафига қабул қилишди. Бу менга билдирилган жуда катта ишонч эди. Ҳар доим шу ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қилдим. Узоқ йиллар мобайнида босмахонада ишладим, пешқадамлар сафида бўлишга интилдим. Партия мени юқори лавозимларга кўтарди. Тошкент округ суди ҳамда Ўзбекистон ССР Олий суди аъзоси бўлиб ишладим. Хоразм округ суди раиси бўлдим. Қисқаси, партия қайси вазифани менга ишониб топширган бўлса, сидқидилдан ишладим, ишончни оқладим.

Мана бу йил Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузилганига 60 йил тўлади. Бизнинг жонажон республикамиз ҳам ана шу қардошлик иттифоқида гуллаб-яшнади, яна гуллаб-яшнайверади. Ўтмиш билан ҳозирги даврнимизни таққосласам, ер билан осмонча фарқни кўраман. «Ким эдик, ким бўлдик?» — дейман-у, партиямизга, қон-қардошлар диёри улуғ Ватанимизга минг-минг ташаккур айтаман.

Йўлдош ТОШҚОРИЕВ,
республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер.
Тошкент шаҳри.

ЭРКИН МЕҲНАТ ЗАВҚИ

Мен озод совет замонасида, Коммунистик партиямиз раҳнамолигида ўсиб-унган минг-минглаб бахтиёр қизларнинг бириман. Ўтмишда ўзбек аёллари, яъни бизнинг бувиларимиз қандай оғир кун кечирганлари ҳаммага аён.

Қир-адирлар, яшил яйловлар, беполён ғаллазорлар менинг маконим бўлди. Эркин меҳнат қучогида ўз бахтини топган кишилар орасида камол топдим. Отам Сиддор Сатторов шуларнинг бири эди. Ў «Ударник» совхозининг номдор комбайнчиси. Саккизинчи синфни битирганимдан кейин отамнинг сафига қўшилиб, ундан комбайнчиликни ўргандим, шу билан бир қаторда ишчи-ёшлар мактабида ўқиб, ўрта маълумот олдим. 1977 йилнинг июль ойида ўн тўққиз ёшимда Коммунистик партия сафига ўтдим. Бу мендек бир деҳқон қизи учун энг катта бахт эди.

«Ударник» совхозида комбайнчилик қилиб юрган пайтимда Жиззах чўлида Зарбдор районн ташкил топди. Юзлаб, минглаб баҳодирлар қалб даъвати билан қўрқин забт этишга отланишди. Ёш коммунист сифатида мен ҳам шулар сафида бўлмоқчи эканлигимни ота-онамга изҳор этдим, улар рози бўлиб, оқ йўл тилашди.

1980 йилда «Прогресс» совхозига келиб, ғўза қатор ораларига ишлов берадиган ҳамда пахта терадиган машиналарни бошқаришни ўргандим. Ёз бўйи ғўза парваришида қатнашдим, кузда пахта йиғим-теримида фаол иштирок этдим. Ўз агрегатим билан 150 тоннадан зиёд «оқ олтин» тердим. 1981 йилда мени «Ғалаба» совхозига таклиф этишди. Хўжалик коммунистлари менга катта ишонч билдириб, комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қилишни топширишди. Асрлар бўйи шўр босиб ётган 60 гектар майдонда деҳқончилик қилишга киришдик. Бу ерни экин экадиган ҳолга келтиргунча озмунча меҳнат қилмадик. Дастлабки йилдаёқ ҳар гектар қўриқ ердан пландаги 11 центнер ўрнига 17 центнердан пахта хирмони кўтардик.

Қўриқ совхозимиз хирмони ҳам чакки бўлмади. Она-Ватанга пландаги 4200 тонна ўрнига 4300 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. СССРнинг қутлуғ 60 йиллиги нишонланадиган бу йилда 5000 тонналик пахта хирмони кўтариш учун курашяпмиз.

Яна шуниси қувончлики, совхозимизда пахтачилик билан бир қаторда деҳқончиликнинг бошқа тармоқлари ҳам ривожланяпти. Ўтган йили пландаги 500 тонна ўрнига 1700 тонна дон, 500 килограмм ўрнига 2014 килограмм пилла топширилди. Сабзавот, полиз маҳсулотларни топшириш планлари ҳам ошиғи билан бажарилди.

Хўжалигимизда чорвачилик ва паррандачилик фермалари ташкил топди. Шу кунларда паррандабоқарларимиз 15 минг товуқ ҳамда 10 минг ўрдакни яхши парвариш қиляптилар. Ўтган йили хўжалигимиз бўйича 31 тонна парранда гўшти етиштирилди.

Совхозимизда янги қурилишлар, боғ-роғлар яратиш, истироҳат парки бунёд этиш жадал олиб борилмоқда.

Хуллас, чўлда яратувчилик, бунёдкорлик ишлари авжида. Мен ёш коммунист сифатида ватанпарвар азаматлар қаторида меҳнат қилаётганимдан хурсандман.

Зулайҳо САТТОРОВА,
Жиззах область, Зарбдор районидаги «Ғалаба» совхози бригада бошлиғи, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати.

ШОЛИКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

НУКУС, 16 февраль. (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон пойтахтида В. И. Ленин номидаги Қишлоқ хўжалик фанлари академияси гидротехника ва мелиорация бўлими мелиорация ишларини механизациялаш секциясининг кўчма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда А. Н. Костяков номидаги Бутуниттифоқ гидротехника ва мелиорация илмий-тадқиқот институтининг олимлари, «Главсредазирсовхозстрой» ва автоном республиканинг етакчи мутахассислари қатнашдилар.

Кўчма мажлисни Қорақалпоғистон области партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов очди.

Олимлар ва мутахассислар Амударё этакларида шолиқорликни ривожлантириш проблемаларини, шу проблемаларни ҳал этиш йўлларини батафсил муҳокама қилдилар, илмий тавсиялар қабул этдилар. Бу тавсияларнинг бажарилиши қимматли озиқ-овқат маҳсулоти — шоли етиштиришни кескин кўпайтиришда Қорақалпоғистон шоликорларига ёрдам беради.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ЗАРБДОР СУРЪАТ

Марғилон ипак комбинатининг илғор тўқувчиси Р. Муҳиддинова икки йиллик планни бажарганлиги қақида ғалаба рапорти берди. Раиса олтита дастгоҳда ишлаб, ҳар сменада битта станокда ўртача 16 метр аъло сифатли газлама тўқишга эришмоқда. Ҳозиргача у ишлаб чиқарган маҳсулотлар 23 минг метрдан ошиб кетди. Корхонада «Ўн бешлар ташаббуси» кенг қулоч отаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Шукри Қайбуллаев, Клавдия Стадниченколар Р. Муҳитдиновадан сал илгарироқ рапортга имзо чеккан эдилар.

А. ҚИРҒИЗОВ.

УРНАК

Беруний шаҳридаги хўжалик ҳисобида иш юритувчи 17-автокорхонада ҳалол меҳнати билан элга манзур бўлаётган ҳайдовчилар кўп. Шулардан бири «Ҳурмат Белгиси» орденли Тўлаган Довулбоевдир.

Тўлаган корхонада биринчилар қаторида беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари ортиғи билан бажариш ташаббусига қўшилди. У ички резервлар ва мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш туфайли ўтган йили «ЗИЛ-45021» маркали машинасида пландаги 8 минг 60 тонна ўрнига 11 минг 200 тонна юк ташишга муваффақ бўлди. Ҳозир пешқадам ҳайдовчи бутун куч-ғайратини СССР 60 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олишга сафарбар қилмоқда.

М. МУҚОНОВ,
Р. ҚОБУЛОВ.

* * *

Редакция, шунингдек **Қ. Сиддиқов** (Тошкент), **Ш. Эргашев, Ю. Қорқовдиев** (Сурхондарё), **У. Маликов, А. Абдуллаев, Н. Тошев** (Бухоро), **М. Тўраев, Ш. Нишонов** (Наманган), **А. Азимов** (Қашқадарё), **Ҳ. Нуриддинов** (Фарғона), **А. Имомов** (Жиззах)лардан ҳам саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективларининг меҳнат ютуқлари тўғрисида ҳикоя қилувчи хат-хабарлар олди.

ЕТТИ ИЛҒОР ЧОРВАДОР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИБ

ЮКСАЛИШ

Колхозимиз пойтахт Тошкент областидаги комплекс ривожланаётган хўжаликлардан бири. Деҳқонларимиз дон, пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни муттасил кўпайтиришга эришмоқдалар. Давлатга деҳқончилик маҳсулотлари йил сайин кўпроқ етказиб берилаётгани туфайли катта даромад олиняпти. Хўжаликнинг экономикаси мустаҳкамланяпти. Колхоз аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ошяпти. Масалан, ўтган йили 5664 тонна пахта, кўп миқдорда дон тайёрланди. Бунинг эвазига уч миллион сўмдан знёд даромад, шу жумладан, қарийб 650 минг сўм соф фойда олинди.

Кейинги даврда чорвачиликка ҳам пахтачилик каби эътибор кучайди. Уни рентабелли тармоққа айлантириш чоралари кўрилди. Бу иш чорва молларнинг зотини яхшилашдан бошланди. Мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтирилган.

Колхозда ем-хашак етиштириш билан шуғулланадиган махсус бригада мавжуд. Беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экинлари етиштириш, уларни ўриб-йиғиб олиш, сақлаш ана шу бригадада марказлаштирилган. Унга унумдор, сув билан яхши таъминланган ерлар ажратиб берилган. Техника ва транспорт воситалари, ишчи кучи биркитиб қўйилган. Бригада зарур миқдорда минерал ўғитлар олади. Унинг коллективи озуқа экинларини вақтида экиб ва яхши парвариш қилиб, улардан мўл ҳосил оляпти. Ўтган йили 255 гектар майдондаги беданинг гектаридан 227 центнердан пичан, силос учун 104 гектар майдонга экилган маккажўхорининг гектаридан 750 центнердан кўпроқ, 16 гектар лавлагининг гектаридан 800 центнердан, 40 гектар жавдар буғдой ва рапснинг гектаридан 300 центнердан ҳосил олинди. Ҳаммаси бўлиб салкам ўттиз минг тонна озуқа етиштирилди.

Озуқа экинларини аралаштириб ва такрор экиш, жавдар буғдой ва рапсни оралиқ экин сифатида етиштириш кенг йўлга қўйилган. Бу, айниқса, сигирларни март ойидан бошлаб то кеч кузгача кўк озуқа билан, қиш даврида эса беда ва табиий ўтлар пичани, сенаж, силос, лавлаги, витаминли ўт уни, омихта ем ва бошқа турдаги озуқалар билан тўла таъминлаш имконини беряпти.

Чорва моллар йил бўйи сифатли озуқалар билан тўй дириб боқиляпти ва намунали парвариш қилиняпти. Зоотехника-ветеринария хизмати яхши йўлга қўйилган. Сигирларнинг қисир қолишига йўл қўйилмайди. Туёқ сонини ўстириш ва маҳсулдорликни ошириш чоралари кўриляпти. Шунинг учун ҳам улардан кўп ва соғлом насл, мўл ва сифатли маҳсулот олинмоқда. Бултур ҳар 100 бош сигирдан юзтадан бузоқ олинди ва ҳаммаси сақлаб қолинди. Бу йил ҳам худди шундай қилинади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг областимиз чорвадорларига йўллаган мактуби бизни КПСС XXVI съезди қарорларини, партиянинг озиқ-овқат программасини амалга ошириш, беш йиллик планни тўла-тўкис бажариш учун курашни кучайтиришга руҳлантирди, ғайрат-шижоатимизни оширди. Колхозимиз аъзолари ўртоқ Л. И. Брежнев ўз мактубида қўйган вазифаларни тўла-тўкис бажариш, беш йиллик планни барча соҳалар бўйича тўрт йилда адо этиш ҳақида сўз беришди. Область партия комитети уларнинг бу ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.

Чорвадорларимиз беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун олиб борилаётган курашда ибрат кўрсатишяпти. Улар зиммаларига олган мажбуриятларини ошириб бажараётганликлари бунинг далилидир. Ҳозир фермада 1279 бош қорамол, шу жумладан 460 бош сигир боқиляпти. Ўтган йили ҳар бир сигирдан 5102 килограммдан сут олинди. Икки минг тоннадан знёд сут етиштирилди ва давлатга 1822 тоннадан кўпроқ сут сотилди. Бўрдоқига боқилган ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 468 килограммга етказилди. 238 тоннадан кўпроқ гўшт етиштирилди ва давлатга 170 тонна гўшт сотилди. Бу пландагидан анча кўп.

Биз маҳсулот етиштиришни ошириш билан бирга, унинг таннархини арзонлаштириш, чорвачиликдан олинадиган даромадни кўпайтириш ва тармоқнинг рентабеллик даражасини кўтаришга ҳаракат қиляпмиз. Шу туфайли бултур чорвачиликдан 1 миллион 200 минг сўмга яқин даромад, шу жумладан, қарийб 140 минг сўм соф фойда олинди.

Мен кўпдан бери фермада ишлайман. Сигирлар тўйдириб боқиш ва яхши асраш-дан ташқари, меҳрибонлик билан муносабатда бўлишни ҳам талаб қилади. Мен соғаётган сигирларимнинг ҳар бирига алоҳида эътибор билан муносабатда бўламан. Уларни ҳар куни аниқ бир вақтда соғаман. Улар шунга ўрганишган. Борди-ю, сигир ўзи ўрганган вақтда соғилмаса, сути қочиб кетади, уни тўла олиб бўлмайди.

Фақат биргина мен эмас, балки Салина Чиниғитова, Мунаввар Отахўжаева, Гулсара Берднева, Арофат Абжалилова каби ҳамкасбларим ҳам сигирлардан кўп сут соғиб олишга эришмоқдалар.

Чорвадорларимиз СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини тармоқни янада ривожлантириб, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтирган ҳолда кутиб олишга аҳд қилишган. Улар бу йил ҳар бир сигирдан 5160 килограммдан сут олиш, бўрдоқига боқиладиган ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 500 килограммга етказиш, 260 тонна гўшт, 2300 тонна сут етиштириш ва давлатга 170 тонна гўшт, 1900 тонна сут сотиш мажбуриятини олишган. Мен эса ҳар бир сигирдан 6600 килограммдан, жами 132 тонна сут соғиб олиш ҳақида сўз берганман.

Биз доим ваъдамизнинг устидан чиқиб келганмиз. Бу йил ҳам шунга эришамиз. Январь ойидаги ишимизнинг натижаси бундан далолат бериб турибди. Ўтган ойда колхоз бўйича ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 333 килограммдан, жами 138 тоннадан знёд сут олинди. Бу ўтган йилдагидан сигир бошига 55 килограмм, ҳаммаси бўлиб эса 23 тонна кўпдир.

Шахсан мен ҳар бир сигирдан ўтган йилнинг январидагига қараганда 114 килограмм кўп ёки 460 килограммдан, жами 9 тонна 213 килограмм сут соғиб олдим. Маҳсулдорликнинг бу қадар юқори бўлишида сигирларнинг рацион асосида хилма-хил тўйимли озуқалар билан боқилаётгани ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Биз чорвачиликни ривожлантиришда эришаётган ютуқларнинг омиллари фақат юқоридагилардангина иборат эмас. Колхоз правленияси ва партия ташкилоти чорвадорларнинг моддий ва маданий-маиший эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, улар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилмоқдалар. Фермада бизнинг унумли меҳнат қилишимиз, яхши дам олишимиз учун ҳамма шароитлар вужудга келтирилган. Чорвадорлар мусобақасининг натижаси вақти-вақти билан якунлаб борилади. Илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Биз республикамизнинг етти илғор чорвадори мурожаатига жавобан тармоқни тағин ҳам тез суръатлар билан ривожлантирамиз, маҳсулот етиштиришни бундан ҳам кўпайтирамиз. Чунки, партия бизни шунга даъват этмоқда.

Жамила АСХЎЖАЕВА,
Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИТЕТИДА

15 февраль куни Москвада академик А. П. Александров раислигида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида етакчи олимлар ва СССР халқ хўжалигининг ходимлари қатнашдилар.

Комитет пленуми 1982 йилги Ленин мукофотларини олишга тақдим этилган ишларни кўриб чиқди ва улардан энг муҳимларини конкурсда қатнашиш учун танлади.

Ана шу ишларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон меҳнаткашлари СССР билан Вьетнам ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланганлигининг 25 йиллигини тантанали равишда нишонлямоқдалар. Тошкент жамоатчилиги намояндаларининг 15 февраль куни бўлиб ўтган йиғилиши ана шу шонли санага бағишланди.

Сўзга чиққан кишилар битимнинг имзоланиши СССР ва Вьетнам халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни ривожлантиришда тарихий босқич бўлганлиги ҳақида гапирдилар. Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари бу битимни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Ўзбекистон ВСРга саноат маҳсулотининг кўпгина турларини юборибгина қолмай, шу билан бирга ёш давлат учун мутахассис кадрлар ҳам тайёрламоқда. Маданият арбоблари делегацияларининг бир-бирларига боришини амалга оширмоқда.

Университет студенти Нгуен Тхиу Бан ўз ватанига янги ҳаёт барпо этишда ҳар томонлама ёрдам бераётганликлари учун Тошкентдаги олий ўқув юртларида таълим олаётган вьетнамлик ёшлар номидан совет дўстларига астойдил миннатдорчилик билдирди.

Политехника институтида бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари икки мамлакат дўстлиги ва ҳакорлигига бағишланган фотовиставка билан танишдилар.

Совет—Вьетнам дўстлигига бағишланган кечалар республика пойтахтидаги кўпгина корхоналар ва ўқув юртларида ҳам бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

Республикализ бўйлаб

ФЕРМАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ҚОРАКЎЛ районн меҳнаткашлари тайёрлов пунктига 500 тонна гўшт топшириб, биринчи квартал планини бажардилар. Муваффакиятга Ленин номли, «Октябрь», «Правда», Киров номли колхозларнинг молбокар, қўйчивон ва чўчка боқарлари муносиб ҳисса қўшдилар.

О. ЖУМАЕВ.

●

ҚУМҚЎРҒОН. «Комсомол 30 йиллиги» совхози фермаларида 2054 бош қорамол, 600 бош қўй, 1350 бош чўчка юқори семизликда парваришланиб, маҳсулдорлиги оширилянти.

Н. ЗИЁЕВ.

●

ХЎЖАОБОД. «Ленинизм» колхози сут-товар фермасининг ходими Каримахон Тиллаева ўз боқимидаги ҳар бош сигирнинг маҳсулдорлигини ўтган йилдагидан 500 килограмм ошириб, 4000 килограммга етказиш мажбуриятини олди. Унинг мусобақадоши Арофатхон Фатхуллаева 3800 килограммни эгаллашга сўз берди. Ҳар икки сут соғувчи кунлик графикни ошириб бажаряпти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВА.

●

ҒИЖДУВОН. «Кўкча» совхози коллективи чорва қишловини соз ўтказяпти. Чўпон-чўлиқлар бу йил ҳар 100 бош совлиқдан 180 та қўзи, ҳар бош қўйдан 3,5 килограм жун олишга аҳд қилдилар. Ғ. Қораев, И. Араббоев, Б. Шарипов каби бош чўпонлар отларида совлиқлар парваришини айниқса кучайтирилянти.

А. ВОҲИДОВА.

●

НУРОТА. Боқимимдаги совлиқларнинг ҳар 100 бошидан 225 тадан соғлом қўзи оламан. Ургочи қўзиларнинг ҳаммасини ўстиришга сақлаб қоламан, бир отардан икки отар ташкил қиламан. 1982 йилги мажбуриятим шундай! Шу кунларда қўйларни кундузи яйловларда ўтлатиб, кечаси қўшимча озуқа билан боқяпман. Қўзилатиш мавсумига пухта тараддуд кўриб қўйдим.

Сироҳ УСАРОВ,
«Қизилча» совхозининг бош чўпони.

●

ТУРАҚУРҒОН. Димитров номли колхознинг оташ қалб чорвадори Гулихон Кўчиева ҳар бош сигир маҳсулдорлигини 4200 килограммга етказиб, боқимидаги сигирлардан 168 тонна сут соғиб олишга сўз берди. У ваъдага вафо қилиш учун ҳар бир сигирдан кунига 12—14 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга эришмоқда.

А. САЙДАҲМЕДОВ.

x x x

Жамоатчи мухбирлардан А. Имомов, М. Эроновв, П Бухоров ўртоқлар йўллаган хат-хабарларда ҳам жойларда чорва қишлови соз ва бехатар ўтказилаётгани, чорва маҳсулотлари кўпайтирилаётгани ҳикоя қилинади.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ҚАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ЖАҲОН КОНГРЕССИДА

МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА

ГАВАНА, 15 февраль. (ТАСС). Вашингтоннинг милитаристик сиёсати — дунёдаги кескинлик кучайишининг бош сабабидир. Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлиқдаги бошқа мамлакатлар бошчилигида халқларнинг тинчлик йўлидаги ҳаракати Ер юзи меҳнаткашларининг туб манфаатлари билан чамбарчас боғланган. Касаба союзларининг Куба пойтахтида ўтказилаётган X жаҳон конгресси қатнашчилари якдиллик билан шу фикрни айтмоқдалар.

Африка, Осиё ва Лотин Америкаси халқлари бирдамлиги ташкилотининг бош секретари Мельба Эрнандес хонимнинг нутқида Рейган маъмурияти авж олдираётган телбанамо қуролланиш пойгаси кескин қораланди. Пентагон ва унинг иттифоқчилари қурол-яроғларни кўпайтираётганлари, деб таъкидлади у, ҳозир халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига жуда катта таҳлика солиб турибди, меҳнаткаш халқ гарданига оғир юк бўлиб тушмоқда.

Мексика делегати Хосе Лопес Долорес, Кариб ҳавзаси мамлакатлари меҳнаткашларининг бирлиги ва бирдамлиги комитети вакили Майкл Элс, Гватемала мустақил касаба союзларининг делегати Каридад Фуэнтес Америка империализмининг Лотин Америкасидаги агрессив кирдикорлари тўғрисида, бу региондаги кескинлик кучайиб бораётганлиги ҳақида гапириб бердилар.

Конгресс қатнашчилари империализмнинг қўпол лўтибозлигига дучор бўлиб турган Куба, Никарагуа ва Гренада халқлари билан бирдам эканликларини билдирмоқдалар, Сальвадор ватанпарварларининг одилона курашини қўллаб-қувватлашларини изҳор этмоқдалар.

Нотиқлар СССРнинг ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг тинчликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссасини ўқтириб ўтмоқдалар, империализмнинг халқ Польшасига қарши кирдикорларини ғазаб билан қораламоқдалар. Вашингтоннинг Польшага қарши қўпорувчилик ҳаракатлари тариҳ ғилдиракини тескари буриш йўлидаги бехуда уринишдир, деди Гайана вакили Жамки Персауд.

Финляндия делегати Олави Хяннинен ўз мамлакати билан Совет Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг катта аҳамиятини ўқтириб ўтди. Давлатларимиз ўртасидаги амалий алоқалар ўн минглаб финларни иш билан таъминлаш имконини берди, деди у.

Конгресс ишининг якунловчи кунида унинг қатнашчилари Парагвай диктатори Стреснерга телеграмма юборибди, Парагвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Антонио Майданани қамоқхона зиндонидан бўшатиб юборишни талаб қилишга якдиллик билан қарор бердилар.

Шунингдек, улар Туркия президентига мактуб билан мурожаат этиб, ўлим ҳукми чиқарилиш хавфи остида турган 52 нафар касаба союз активининг жонини сақлаб қолишни ҳам талаб қилдилар.

Конгресс АҚШнинг аралашувига ва Исроилнинг тўхтовсиз агрессив хуружларига дучор бўлиб турган Сурия халқини қўллаб-қувватлади.

ВХР. Чепель тўқимачилик фабрикасининг маҳсулотлари Совет Иттифоқида жуда машҳурдир. Корхона меҳнаткашлари бу йил ҳар қачонгидан кўпроқ маҳсулот тайёрлаб, СССРга етказиб бериш учун мусобақани кучайтирмоқдалар. Суратда: корхона целлюлоза цехларидан бирида.

МТИ—ТАСС фотоси.

САЛЬВАДОР:

МУВАФФАҚИЯТСИЗ УРИНИШЛАР

САН-ХОСЕ. 15 февраль. (ТАСС). Сальвадордан олинган хабарларга кўра, американараст режим қўшинлари кеча бутун кун давомида Сан-Висенте департаментидаги партизан базаларини «тозалаш» муваффақиятсиз уриниб кўрдилар. Фарабундо Марти номли Миллий озодлик фронтининг отрядлари шу департаментдаги Сан-Себастьян, Санта-Клара ва Сан-Эстебан аҳоли пунктларини ўз қўлларида сақлаб, душман ҳужумларини даф этмоқдалар, унинг одамлари ва техникасига талафот етказмоқдалар. Реакцион режим Сан-Висенте департаментида фавқулодда ҳолат эълон қилди.

Усулутан ва Морасан шарқий департаментларида уруш ҳаракатлари давом этмоқда. Бу департаментларда репрессив хунта территорияни қўғолончилардан «тозалаш» юзасидан операция ўтказмоқда. Бу районларга жами беш ярим мингдан кўпроқ қотиллар сафарбар қилинган. Ҳарбий қўмондонликнинг ғоят камайтириб кўрсатилган маълумотларига қараганда, кеча ҳукумат қўшинлари 40 дан кўпроқ солдатидан ажралган.

Доимо муваффақиятсизликка учраб туриш ҳукумат қўшинлари руҳини тушириб юбормоқда. Хунта солдатлари, халққа зид режим қотиллари тинч аҳолига нисбатан қилаётган қонли жиноятларнинг қатнашчиси бўлишдан тез-тез бош тортмоқдалар. Қўзғолончилар «Фарабундо Марти» радиостанциясининг хабар беришича, қарбий маъмурларнинг буйруғи билан Сан-Сальвадор казармаларидан бирида ҳукумат қўшинларидан уч солдат «қочоқлик»да айбланиб отиб ташланган. Халққа қарши жанг қилишдан бош тортганлиги ва ватанпарварлар томонига ўтиш ниятида бўлганлиги учун яна 67 нафар қарбий хизматчи турмага ташланган.

СССР — ЯХДР:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ИШОНЧЛИ НЕГИЗИ

АДАН, 16 февраль. СССР билан ЯХДР ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида 1969 йилнинг февралида имзоланган битим ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларга мустаҳкам асос солди. Ҳукуматлараро ҳужжат имзоланган кунинг 13 йиллигига бағишланиб бу ерда бўлим ўтган матбуот конференциясининг қатнашчилари шу ҳақда гапирдилар.

Совет Иттифоқи, деб таъкидланди нутқларда, экономиканинг энергетика ва қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва фойдали қазилмаларни разведка қилиш сингари тармоқларини барпо этиш ва ривожлантиришда, миллий кадрлар тайёрлашда ЯХДРга катта ёрдам бермоқда. Ҳозирги вақтда СССРнинг техника ва иқтисодий ёрдами билан миллий экономиканинг энг муҳим объектлари —Адан яқинида катта иссиқлик электр станцияси ва республика пойтахтида замонавий балиқчилик порти қурилмоқда.

Совет Иттифоқи билан Демократик Яман ўртасидаги техника-иқтисодий ҳамкорлик, деб таъкидлади матбуот конференциясида сўзга чиққан Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Марказий Комитет экономика бўлими мудирининг ўринбосари Ф. М. Абдалла, ўтган йиллар мобайнида мамлакатларимиз, партияларимиз ва халқларимиз ўртасида қарор топган кўп қиррали алоқаларнинг бир қисмигинадир.

Совет Иттифоқининг ёрдами туфайли, деди у, Жанубий Яман халқи келажакка комил ишонч билан қарамоқда.

А. СЕМИН,
ТАСС мухбири.

СЪЕЗД ТУГАДИ

ТОРОНТО. 15 февраль. (ТАСС мухбири). Бу ерда Канада Коммунистик партиясининг XXV съезди уч кун давом этди. Съезд бугунги кунда мамлакат ишчилар синфи ва унинг авангарди — Канада коммунистлари олдида турган энг муҳим проблемаларни муҳокама қилди. Съезд делегатлари партия раҳбарик органининг Канада Компартияси Бош секретари У. Каштан докладида баён этилган сиёсий йўлини якдиллик билан маъқулладилар.

Съезд Канада коммунистлари марксизм-ленинизмга, пролетар интернационализми принципларига содиқ эканликларини намойиш қилди.

Съезд бош сиёсий ҳужжатни — «Канада учун янги йўл» деб аталган резолюцияни маъқуллади. Бу резолюция партиянинг келгуси йиллардаги вазифаларини, Канада меҳнаткашларининг ҳаётий манфаатлари учун, тинчлик ва социал тараққиёт иши учун курашда унинг стратегияси ва тактикасини белгилаб беради. Мазкур ҳужжатда Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар тинчлик учун, кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттириш ва қуролсизланиш учун олиб бораётган принципиал, изчил курашга, Л. И. Брежнев томонидан КПСС XXVI съездида олга сурилган янги тинчлик ташаббусларига юксак баҳо берилган.

Ҳужжатда мамлакатнинг мустақил ташқи сиёсий йўл ўтказиши учун, Канаданинг тўла мустақиллиги, Америка кўп миллатли корпорацияларининг эўравонлигига қарши кураш кенг программаси, шунингдек меҳнаткашларнинг социал ва иқтисодий ғалабаларини капитал ҳужумидан ҳимоя қилиш программаси баён этилган.

Якунловчи мажлисда Канада Коммунистик партияси Марказий Комитети сайланди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ЖАЗОИР

Жазоир пойтахтида Ўрта денгиз мамлакатлари тараққийпарвар партиялари ва ташкилотларининг конференциясига тайёргарлик юзасидан халқаро учрашув бошланди. Учрашув қатнашчилари бўлажак анжуман кун тартибини тайёрлайдилар, унга тайёргарлик масалаларини муҳокама қиладилар, учрашувни ўтказиш муддатларини белгиллайдилар.

«Ал-Мужаҳид» газетасининг хабар беришича, бўлажак конференцияда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш масалаларига. Ўрта денгиз мамлакатлари халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга асосий эътибор берилади. Анжуман ишида мазкур региондаги мамлакатлар тараққийпарвар партиялари ва ташкилотларининг вакиллари иштирок этадилар.

● РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО

Бразилия ҳукумати кейинги икки йил мобайнида ерсиз деҳқонларга умумий майдони 9,5 миллион гектар бўлган 240 та ер участкасини бепул ажратиб берди. Бу мамлакатнинг бутун тарихида бўлганига қараганда анча кўпдир. Шу йилнинг охиригача яна 300 минг деҳқон оиласини ер билан таъминлаш мўлжалланмоқда.

(ТАСС).

ГВАТЕМАЛА:

Кескин вазият

МАНАГУА, 16 февраль. (ТАСС). Гватемаладан олинаётган хабарларга кўра, генерал Лукас Гарсиянинг реакцион американараст диктатураси мамлакат пойтахтида кенг миқёсда жазо операциясини ўтказмоқда. Полиция отрядларининг мададига таянган уч мингдан кўп солдат «шубҳали» кўринган ҳар бир кимсани тинтув қилмоқда ва қамоққа олмоқда. Ҳарбий соқчилар кўчалардаги шёдаларни ва ўтиб кетаётган автомашиналарни тўхтатиб, пухта текширувдан ўтказмоқдалар, уйларга бостириб кирмоқдалар.

Мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам репрессия давом этмоқда.

Ўлганлар орасида американ-калик руҳоний Жеймс Арнольд Миллер ҳам бор. ЮПИ агентлигининг хабар беришича, мамлакатда бир йилдан озроқ вақт ичида уч американ-калик руҳоний солдатлар қўлидан ҳалок бўлган.

Диктаторлик режими шафқатсиз ўч олиш билан мамлакатда кучайиб бораётган миллий озодлик ҳаракатини бостиришга уринмоқда.

Информация агентликларининг хабар беришича, Лукас Гарсиянинг қонли тўдасига қарши курашаётган ватанпарварлар группаси — «Қуролли халқ ташкилоти» радио орқали берган баёнотида Вашингтон қўллаб-қувватлаётган режим жиноятлари фош этилади. Баёнотда диктатурага қарши актив кураш олиб боришга даъват этилади.

ЯКДИЛЛИК БИЛАН

Ангола пойтахтида Африка жанубидаги мустақил мамлакатларни иқтисодий ривожлантиришни координациялаш масалалари билан шуғулланувчи конференция аъзолари бўлган давлатлар вакилларининг кенгаши ўз ишини тамомлади.

Ангола, Мозамбик, Ботсвана, Зимбабве, Замбия ва Малави вакиллари мазкур регион мамлакатлари ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини кўриб чиқдилар. Кенгаш қатнашчилари мазкур ташкилотга аъзо бўлган мамлакатларнинг ягона энергетика сиёсатини ишлаб чиқиш зарурлигини якдиллик билан ўқтириб ўтдилар. Улар Анголанинг энергетика ресурслари кўплигини назарда тутиб мазкур проблемани ҳал этишда бу мамлакат муҳим роль ўйнаяжагини айтдилар. (ТАСС).

АҚШ:

«МУРВАТЛАРНИ БУРАШ» СИЁСАТИ

ВАШИНГТОН, 15 февраль. (ТАСС). «Вашингтон пост» газетасининг хабар қилишича, АҚШ мудофаа министри К. Уайнбергер ҳатто ҳозирги стандартларга мувофиқ олганда ҳам Қўшма Штатларнинг миллий хавфсизлигига зарар етказмайдиган ахборотнинг матбуотда эълон қилинишига ва жамоатчиликка ошкор этилишига йўл қўймайдиган меморандум тайёрлаб қўйди. Шу меморандумга мувофиқ, башарти эълон қилинишидан ҳеч қандай зарар етмаса, ҳарбий, разведка, дипломатия, технология ва бошқа соҳаларда «Қўшма Штатларни устунликлардан маҳрум қилиши» мумкин бўлган ахборот сир сақланиши лозим. Меморандум Оқ уйнинг ихтиёрига топширилди.

Маҳаллий кузатувчиларнинг қайд этишича, мудофаа фаолиятини батамом маҳфийлаштириш соҳасидаги ҳаракатларида навбатдаги бир бўғин деб баҳоланмоқда.

Маълумки, президент Р. Рейган яқинда имзолаган фармон Марказий разведка бошқармаси ва бошқа махсус маҳкамалар фаолиятини ниқоблаш учун янада қалиндроқ парда тортибгина қолмай, шу билан бирга чет элларда уларнинг қўпорувчилик ҳаракатлари ўтказишдаги, мамлакат ичкарисида американликлар устидан кенг миқёсда айғоқчилик қилишдаги «ваколатлари»ни кенгайтиради ҳам.

Америка жамоатчилиги мана шундай «мурватларни бураш» ёки сатига қарши кескин норозилик билдирмоқда. Жумладан, Америка граждан эркинликларини ҳимоя қилиш иттифоқи ҳукуматнинг фаолиятини сир тутишни тўхтатишни, американликлар устидан айғоқчилик қилишга чек қўйилишини бир неча бор талаб қилиб чиқди.

ЭРОН ВА ИРОҚ:

ШИДДАТЛИ ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАҒДОД, 15 февраль. (ТАСС). Бўстон районида, Ироқ чегараси яқинида бир неча кундан буён Эрон ва Ироқ қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар давом этмоқда. Ироқ бош қарбий қўмондонлигининг расмий маълумотларига кўра, Ироқ қисмлари Эрон қўшинларининг қарши ҳужумларига қарамай, бир қанча олдинга илгарилаб кетдилар ва хабар беришларича. Эронниг 9 минга яқин қарбий хизматчисини ўлдирганлар.

Ироқ авиацияси, вертолётлари ва самолётлари, шу жумладан курунқилдаги қўшин қисмлари жанг олиб бораётган районда ва Эрон чегарасида актив ҳаракат қилаётганлиги таъкидланади.

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

ЯККА ЎЗИМ... ОВҚАТЛАНАР ЭДИМ

«Американинг ҳозирда ҳаёт президентларидан қайси бири билан туш пайтида овқатланишни истар эдингиз?» — АҚШдаги хусусий ҳисоблаш марказларидан бири ана шу савол билан жамоатчиликка мурожаат этди

Саволга жавоб қайтарган кишиларнинг ярмидан кўпроғи Оқ уйнинг ҳозирги «хўжайини» билан бир столда овқатланиш истаклари йўқлигини билдирди. Беш кишидан бири Р. Никсон билан овқатланиш истагида бўлса, Ж. Картер ва Ж. Форд билан тушликни баҳам кўрувчиларнинг сони янада камроқ бўлди.

«Ажойиб» саволга жавоб қайтарганларнинг 12 проценти эса, тўғридан-тўғри «якка ўзим... овқатланар эдим» деб қўя қолишди.

СОВЕТ ХАРАКТЕРИ

ИШЧИ ШАРАФИ

Тошкент тўқимачилик комбинатида ёшларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш борасида кўп ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ерда айниқса мураббийлик ҳаракати авж олган. Юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари ва тажрибали ишчилар ёшларга ўз касб-корлари сирини ўргатишгина қолмай, айни пайтда уларнинг маданияти, билими, ижтимоий онгини юксак даражага кўтариш ва маънавий камолотга етказиш учун ҳам ғамхўрлик қилмоқдалар. Комбинатда тўқувчи мураббий Анна Верзилина бошлаган «Ёш ишчига — мураббий марраси» ташаббуси кенг қулоч ёйди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева, опа-сингил Виноградовалар мукофоти лауреати Марзия Турсунхўжаева, илғор тўқувчи Муборак Турғунбоева, Шоҳра Тошматова ва бошқа юзлаб тажрибакорлар кечаги шогирдларининг бугун ўзлари сингари чевар тўқувчи ва ип йигирувчи бўлиб етишишларига эришмоқдалар. Яқинда мухбиримиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ип йигирувчи Буолма Жўраева билан учрашиб, у билан ишчи касбининг хусусиятлари, устоз ва шогирдлик масъулияти ҳақида суҳбатлашди.

— Айтингчи, мактабни битириб комбинатга янги ишга келган йигит-қизлар ўз меҳнат фаолиятларини қандай бошлашлари лозим!

— Уз меҳнат фаолиятини тўқимачилик комбинатида бошлашга қарор қилган ёшлар жуда кўп. Тўғри, уларнинг кўпчилиги бу ерда муқим қолиб, касб-кор ўрганиб, кўп минг кишилик коллектив орасидан ўз ўрнини топиб кетяпти. Аммо ишга янги келган ёшлар ўртасида шундайлар ҳам борки, улар орадан сал вақт ўтмай, ишдан бўшатишларини сўраб ариза ҳам ёзишяпти. Мен кўп марта ана шулар билан суҳбатлашиб, ишдан бўшаш сабабларини сўраганман.

— Кора иш экан, пули кам, билмай келиб қолибман, — дейишади баъзилар. Шу гапнинг ўзиданоқ айрим ёшларнинг ишчи касбини шунчаки, чуқур ўйламай танлаганликларини билиш қийин эмас. Ёки бошқача айтганда, улар ишчи касбининг ўзи нима эканлигини атрофлича тушуниб етишмайди. Радио ва телевизорда, газеталарда илғор ишчилар ҳақидаги гапларни кўп эшитишган. Баъзи ёшлар буни ўзларича шон-шуҳрат деб, баъзилари эса мўмай-мўмай пул деб тушунишган. Ана шу тоифадаги ёшлар комбинатимизга келиб, узоғи билан бир-икки ой ишлагач, ўйлаган ўйлари нотўғри эканлигини тушуниб, қайтиб кетишади. Бу албатта хато, қолаверса шошма-шошарлик, касб-кор, ҳаёт мазмуни ҳақида енгил-елпи ўйлаш натижасидир.

Ишга янги келган ҳар бир йигит-қизнинг ўрагида фақат битта мақсад — касб-ҳунар ўрганиб, ана шу касбни улуғлаш, бахти, истиқболини шу касбдан топишга уриниш мақсади бўлиши керак. Ёшлар ўз устозларининг ўгитини шунчаки эшитмасдан, жон-қулоғи билан тинглаши, бир кун ишга келмай қолса, цехдаги шовқин-суронни, ҳамкасблари даврасини, ўзи ишлаб чиқарадиган ранго-ранг газлама исини қўмсайдиган бўлиши лозим. Юрагининг бир чеккасида пайдо бўлган касбига нисбатан қизиқишни аввалаб-асраб, уни меҳр-муҳаббатга айлантириши керак. Бора-бора юрагида ўз касбидан фахрланиш ҳиссини сезиши лозим. Ана шунда бахт ҳам, омад ҳам ўз-ўзидан келаверади.

— Орамизда «Ишчилик касби хотин-қизларга тўғри келмайди», деб ўйлайдиган кишилар ҳам бор...

— Тўғри айтасиз. Бундайлар, афсуски, ҳали ҳам учраб туради. Шу ўринда бир мисолни эслатиб ўтмоқчиман. Бундан саккиз йил муқаддам комбинатда ишчи кучи етишмай қатор-қатор дастгоҳларни юргизадиган аёлларнинг моҳир қўллари зарур бўлиб қолди. Шунда ҳаётнинг аччиқ-чучигини татиган, тажрибали ишчилардан бир группаси билан маҳаллама-маҳалла юриб, хотин-қизларни ишга жалб қиладиган бўлдик. Кўп хонадонларда у-бу тикиб ўтирган хотин-қизларни учратдик ҳам. Аммо қизларининг «ишчи» бўлишини истамай, «йўқ, қизимиз ўлса бормайди, ишчи бўлганидан кўра уйда ўтиргани маъқул», деб жавоб берган ота-оналар ҳам топилди. Ўйламай айтилган бундай гаплар қиши юрагига қаттиқ ботиши табиий, албатта. Ҳар бир ота-она ҳозир комбинатимизнинг нақадар ўзгариб кетганини, ундаги машина ва ускуналар такомиллашиб, ларда ишлаш учун махсус билимга эга бўлган ишчи кадрлар талаб қилинишини ҳис этиши лозим. Ҳозир корхонамизда ишчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг чеки йўқ. Оғирини енгил қиладиган янги дастгоҳлар, машиналар...

Мана, «БД» маркали дастгоҳни олайлик. Бир ишчи илгари олтита дастгоҳда 240—250 килограммдан ип йигирган бўлса, ҳозир битта машинада ана шунча ип йигиради. Мен шундай дастгоҳларни бошқарар эканман, баъзан бундан 31 йил олдин болалар уйидан комбинатга келган пайтимни эслайман. Уша кезларда бўйим пастлигидан устозларим менга махсус курси ясаб беришган эди. Калавани олиш учун ўша курсидан, эҳ-ҳе, неча марта йиқилганман. Аммо касбимга бўлган меҳр, ишчи номига ҳурматим туфайли ҳамма қийинчиликлар орқада қолди.

Комбинатда уй-жой, болалар боғча ва яслилари, ишчиларнинг, айниқса, хотин-қиз ишчиларнинг маданий-маиший дам олишини яхшилаш, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта мактаб, техникум ва институтларда ўқиётган йигит-қизларга зарур шароит яратиб бериш каби масалаларга алоҳида эътибор бериляпти. Уқийдиган ёшлар учун қулай сменаларга ташкил қилинган. Ўрта махсус ва олий ўқув юртларини ҳар йили икки юздан ортиқ киши битириб чиқмоқда. Маъмурият ва партия ташкилоти фақат иш пайтидагина эмас, шу билан бирга уйда ҳам ишчи аёлларнинг вақтини тежаш, уларга зарур шароит ва ўнғайликлар яратиб бериш ҳақида мунтазам ғамхўрлик қиляпти. Масалан, комбинатда тайёр кулинария маҳсулотлари, кундалик рўзғорбоп ва камёб моллар билан савдо қиладиган „магазинлар очилгач, ишдан кейин аёлларнинг магазинма-магазин юриб у-бу нарса харид қилиш учун сарфлайдиган вакти анча тежалди Комбинат қошида очилган модалар ателъесининг ҳам хизмати яхшиланиб боряпти. Стадион ҳамда гурли тўгараклар ишлаб турибди. Агар комбинатдаги жами ишчиларнинг етти минг нафарини ёшлар ташкил қилишини эътиборга оладигач бўлсак, буларнинг ҳаммаси ҳам хотин-қизлар учун жуда муҳим, албатта.

— Касбингиз Сизни элга танитди. Кўп вақтингиз ишхонада, жамоат ишларида ўтади. Лекин сиз биринчи галда онасиз. Оила, фарзанд ташвишлари ҳам оз эмас. Буларнинг ҳаммасига қандай улгурасиз?

— Сирасини айтганда, оиламнинг ўзи ҳам бир коллектив. Демак, у ҳам жамиятнинг бир бўлаги. Шу сабабли энг аввал оиланинг мустаҳкамлигига эришмоғимиз лозим. Чунки оила тинч бўлса, ишда унум ва барака бўлади. Афсуски, бу борада ҳали камчиликлар кўп. Фақат комбинатда эмас, умуман ёшларимиз ўртасида оиладек муқаддас нарсага енгил-елпи қарайдиганлар ҳам йўқ эмас. Арзимаган баҳоналар билан бузилиб кетаётган оилалар оз деймизми? Айрим ота-оналар фарзандим қийналмасин, деб унинг рўзғорини бут қилиб берадилар-у, аммо улар бу рўзғор ўз меҳнати билан топилмагани учун фарзандлари унинг қадрига етмасликларини тушунмайдилар. Уйда қимматбаҳо гарнитурдан тортиб, радиола, гилам, пойандоз, рангли телевизоргача тайёр турганида ёшларда меҳнатга нисбатан иштиёқ бўладими? Агар шу нарсаларни уларнинг ўзлари меҳнат қилиб олишганида, ана шу буюмларнинг қадр-қиймати, бинобарин, оиладаги ахиллик ҳам ошарди менингча.

Мен бу гапларни бекорга айтаётганим йўқ. Турмуш ўртоғим Йўлдош Жўраев билан оила қурганимизда бизда рўзғор учун кундалик зарур нарсалардан бошқа ҳеч нима йўқ эди. Аммо бизда ҳар қандай қимматбаҳо буюмдан афзал бўлган ахиллигимиз, меҳр-муҳаббатимиз бор эди. Шу туфайли болаларни боғчага олиб боришдан тортиб, уй ишларигача бирга, ҳамжиҳатлик билан бажарардик. Анжуманларда қатнашиш учун узоқ сафарга кетганимда уйга телефон қилган кезларимда уларнинг бир оғиз сўз билан бўлса ҳам кўнглимни кўтаришларини айтмайсизми. Демоқчиманки, коллективга бўлган меҳрим ва оиламдаги ахиллик туфайли мен ҳамма нарсага улгурямман.

— Замонавий ишчи ҳақидаги фикрингиз қандай!

— Меҳнатни қадрлаган киши албатта обрў топади. Узоққа бормай қўшни — 1-йигирув фабрикасининг арқоқчиси Муборакхон Турғунбоева мисолида гапирмоқчиман. Муборакхон 1977 йилда комбинат қошидаги ҳунар-техника билим юртини битириб, арқоқчи бўлиб ишлай бошлади. Касбига меҳр қўйди. Билмагачини сўраб-суриштириб билиб олди. Шу тариқа тажрибаси ошди. Ҳозир у фақат фабрикада эмас, комбинат бўйича номи танилган йигирувчилардан. Бир пайтларда унинг ўзи шогирд бўлган эди. Ҳозир эса ўзи тажрибали мураббий. Ёшларга касби сирларинигина эмас, ҳаёт сабоқларини ҳам ўргатади. Уларнинг коллективдан ўз ўринларини топиб олишларига кўмаклашади. Унинг собиқ шогирди Иффат Эшмуродова, Мунаввар Усановалар кўпи кеча ҳамкасблари орасида мусобақа илғори деб топилдилар. Муборакхон бу билан жуда фахрланди. Фахрланмай бўладими, ахир, собиқ шогирдларнинг ютуғи — мураббийнинг ютуғи, шогирдлар обрўси — устозлар обрўси-ку.

Ёки Каромат Ёқуббоевани олайлик. Каромат нормадаги 24 ўрнига 36 дастгоҳни бошқаряпти. Бу осон иш эмас. Бу — кишидан зўр маҳорат, билим, тажриба, куч-қувват талаб қилади. Кароматхон ҳам касбини севгани, бутун маҳоратини ишга солгани сababли шунча дастгоҳни бошқаришга эришяпти. Унинг корхонадаги обрў-эътибори жойида. Хўш, шунинг ўзи меҳнатдан келган обрў эмасми?

— Уз касбингиз туфайли нималарга эришдингиз!

— Аввало, қилган меҳнатим элда юксак баҳоланди. Касбим туфайли қўплаб дўстлар орттирдим. Шонли партиямиз съездларида қатнашдим. Ҳамкасбларим билан бирга икки ой мобайнида Кубада бўлиб, тажрибамизни кўбалик ҳамкасбларга ўргатдик. Мен кўп йиллик мусобақадош дўстларим ивановолик ип йигирувчи Е. Амосова, А. Ерофеева, ленинградлик А. Волкова, олмаоталик М. Жамбулатовалар билан ҳам тез-тез учрашиб, хат олишиб, режаларимиз, ютуқларимиз тўғрисида маслаҳатлашиб турамен. Буларнинг ҳаммасига касбимни улуғлаб, унга содиқлигим туфайли эришяпман. Ишчи касбимни ардоқлашим, шарафлашим, фахрланишим сababли эришяпман.

СПОРТ

ДОСААФ:

ПОЙГА ЙЎЛЛАРИДА

ЖИЗЗАХ. Наврўзбулоқ тепалигида мотоцикл пойгаси бўйича ўтказилган Узбекистон қишки чемпионати мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Мусобақада РСФСР ва Ўрта Осиё республикаларининг кучли мотоциклчилари ҳам иштирок этишди. Улар орасида мамлакат чемпионлари ва совриндорлари бор эди. Жами 200 га яқин спортчи марра сари интилди.

Эркаклар ўртасида ўтказилган пойгада ҳажми 125 куб сантиметрли мотоцикларни бошқарган жиззахлик Я. Нурмуҳамедов билан В. Похваленний ҳамда тошкентлик С. Чудиновлар фахрли ўринлар учун курашдилар. Пойга якунланишига бир давра қолганда республиканинг бир неча бор чемпиони Сергей Чудинов мотоциклни маҳорат билан бошқариб, олдинга ўтишга ҳаракат қилди. Лекин техника панд бериб қўйди. Бундан фойдаланган Янгибой Нурмуҳамедов маррага биринчи бўлиб келди. Аёллар ўртасида эса тошкентлик Людмила Кан, ўсмирлар ўртасида самарқандлик Сергей Чудовлар муваффақият қозондилар.

Ҳажми 250 куб сантиметрли мотоцикларни бошқариш пойгаси ҳам қизғин спорт курашига айланди. Пойга йўли нотекис ва баланд-пастлиги туфайли Алексей Фесенко мусобақадан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Техникани усталик билан бошқарган Георгий Бочкарев (Тошкент) зафар қучди. Георгий шунингдек ҳажми 500 куб сантиметрли мотоцикларни бошқариш пойгасида ҳам маррага биринчи бўлиб келди. Ҳажми 350 куб сантиметрли мотоцикллар пойгасида жиззахлик С. Ажиалимов ютуқни қўлга киритди. Кажавали мотоциклларда жиззахлик И. Санақулов билан Р. Сабдужеевлар биринчи бўлишди. Умумкоманда ҳисобида эса Тошкент области вакиллари зафар қучдилар. Бухоро ва Жиззах спортчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

ТОШКЕНТ. Республика пойтахти ва Тошкент области йўллари бўйлаб ўтказилган автомобиль пойгаси қиш-қировли кунларга тўғри келди. Қор босган йўлларда пойгачилар 1000 километр йўл босишлари керак эди. Республика областлари ва Тошкент пойгачиларидан таркиб топган 14 команда республика чемпиони бўлиш учун курашди. Маррага шиддат билан интилган енгил машиналарнинг тезлиги соатига 120—130 километргача етди. Пойгачилар техниканн бошқариш маҳорати, кўча ҳаракати қоидалари ва техникани мукаммал билиш каби талабларга жавоб беришлари керак эди. Пойганинг ўзига хос бу тартибларини ўрнига қўйиб бажаришда Қашқадарё области вакиллари биринчи бўлишди.

А. ТУРҒУНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЗЪЛОНЛАР

БОЛАЛАР СТРАХОВАНИЕСИ— БОЛАЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИКДИР

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР

Хонадонингизда қиз, ўғил дунёга келса сизда қувончли ташвишлар пайдо бўлади. Боланинг биринчи марта атак-чечак қадам қўйиши, биринчи марта тили чиқиб илк бор сўзни айтиши — боланинг яқинлари учун ниҳоятда қувончли воқеадир.

Йиллар секин-аста билинмай ўтиб кетади ва сизнинг фарзандларингиз балоғатга етадиган вақтлар ҳам етиб келади. Шубҳасиз, сиз ана шу дамларда уларга бирорта муносиб совға тақдим қилишни орзу қиласиз. Агарда бунинг учун барвақтроқ тараддуд кўриб қўйсангиз ўшанда мушкулингиз осон кўчади. Шунинг учун ҳам болаларни страхование қилдириб қўйишни маслаҳат берамиз. Муддати етиб келиши биланоқ йигит ёки қизнинг страхованиеда шартлашиб қўйилган страхование пули тўланади

Страхование пулининг миқдори страхование қилдирувчи ва страхование агенти ўртасида тузилган шартнома бўйича белгиланади.

Страхование шартномасининг шартларида страхование пули ёки унинг тегишли бир қисми страхование қилдирилган боланинг жароҳатланиши оқибатида саломатлиги путурдан кетиши, тасодифан қаттиқ заҳарланиши, шартномада кўзда тутилган баҳорги-ёзги энцефалит, ёки полиомелит билан касалланганда страхованиечига нафақа тўланади ва барча тўлаган тўлови қайтариб берилади.

Страхование шартномаси тузилаётган пайтда боланинг ёши 15 ярим ёшдан ошмаслиги керак.

Ойлик тўловлар, страхование муддати, страхование пули ва уларни тўлаш муддатлари страхование шартномаси тузилаётган кунда боланинг ёшига қараб белгиланади. Шундай қилиб, бир ёшга тўлмаган бола учун 500 сўм страхование пули юзасидан ҳар ойда тўланадиган взноснинг миқдори 2 сўм 30 тийин, шунга биноан 1.000 сўм юзасидан — 4 сўм 60 тийин тўланади.

Бундан ташқари, страхование шартномасини қисқартирилган 10 йил муддатга ёки взносларни қисқа муддатга тўлаш шарти билан ҳам тузиш мумкин

Агарда сизни страхованиенинг ана шу тури қизиқтириб қолган бўлса, сизнинг корхонангиз, ташкилотингиз ёки муассасангизга хизмат кўрсатаётган Давлат страхование инспекциясида ва страхование агенти орқали унинг шартлари билан батафсил танишиш ва шартнома тузиш мумкин. Страхование агентини уйга чақиртириш ҳам мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ БОШ БОШҚАРМАСИ.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

«БОИНГ-747» САМОЛЕТИНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

«Боинг» фирмаси 600—800 йўловчини таший оладиган аэробусни 1982 йили аҳолига намойиш этмоқчи.

ЙЎЛОВЧИ ТАШИЙДИГАН КАТАМАРАН КЕМА

Японияннинг «Мицуи энжиниринг энд шипбилдинг» фирмаси 27 узел тезлиқда суза оладиган ва 3,4 метр баландликдаги тўлқин чоғида ҳам лапангламайдиган катамаран кема қурди. Йўловчилар ташийдиган паром сифатида ишлатилувчи бу кема 400 кишини таший олади.

ТРИТИКАЛЕНИНГ ЯНГИ НАВИ

Болгариялик селекционичилар тритикаленинг (буғдой-жавдар дурагайи) янги навини чиқардилар. У серҳосил бўлиб, нони сифатли чиқади. Янги навнинг ҳосилдорлиги ҳатто мўтадил об-ҳаво шароитларида ҳам гектар бошига ўрта ҳисобда 95 процентга боради.

ЧИҚИТДАН ЭТАНОЛ

Американинг «Пивей» фирмаси ҳозирги вақтда асосан чорвага ем сифатида берилиб келаётган буғдой тортиш қўшимча маҳсулотларидан этанол олиш усулини ишлаб чиқди. Бундай чиқитдан донга нисбатан анча арзон этанол олинади.

МОТОР МОЙИНИНГ ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ҚАНДАЙ УЗАЙТИРИШ МУМКИН

Қишлоқ хўжалик машиналарининг моторларидаги мойни 3—5 минг соат ишлаганидан кейин алмаштирмай ҳар 500—1000 соатдан сўнг уни тўкиб фильтрлаб яна қуйилса, мойнинг хизмат муддатини икки баравар оширса бўлади.

Венгриялик мутахассислар эксперименталр ўтказиш натижасида шундай хулосага келдилар.

Улар мотор мойини тозалаш учун кўчма мой фильтри ҳам яратдилар.

ЭГИЛАДИГАН ОЙНА

Американинг «Коршинг гласс уорикс» фирмаси бемалол эгиладиган, одатдаги ойнага нисбатан кўпроқ нур ўтказадиган ва об-ҳаво шароитлари билан химиявий моддалар таъсирига бардош берадиган тахта ойна тайёрлаб чиқармоқда.

ГЕОТЕРМАЛ ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ

Токио университетининг олимлари камида 4000 метр чуқурликдан чиқувчи геотермал сувдан фойдаланиш энг кўп самара беришини аниқладилар.

Ҳозир Японияда ишлаб турган геотермал электр станцияларида (уларнинг жами қуввати 170 минг киловаттга боради) сув 2.000 метр чуқурликдан олинади. Сув катта чуқурликдан олинадиган бўлса ҳар бирининг қуввати 250 минг киловаттга борадиган геотермал станциялар қурса бўлади.

(ТАСС).

Урта Осиё ирригация илмий-текшириш институтининг олим ва мутахассислари регионда суғориш ишларини янада яхшилаш юзасидан катта илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Маҳаллий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Урта Осиёга оқизиш борасида изланиш олиб борилмоқда. Суратда: гидрогеологик-мелиоратив прогнозлар лабораториясининг инженери Р. Юсупова ер ости сувлари ҳаракатини АП-600 электросинтеграторида ҳисобламоқда.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

26 қурилиш трестининг коллективи Шўрчи ҳунар-техника билим юрти тўқувчиларига яхши совға тортиқ қилди. Ўқув корпуси, спорт зали ва мажлислар зали, ошхона муддатидан илгари фойдаланишга топширилди. Трестнинг бўлимларида ҳунар-техника билим юртини битириб чиққан кўплаб ёшлар ишламоқда. Билим юрти кенгайиб бормоқда — бу йил ана шу ўқув даргоҳида маҳаллий мебель фабрикаси учун ҳам кадрлар тайёрланадиган бўлади. Бу фабрика яқинда ишга туширилди.

ТУРЛИ КАСБ МУТАХАССИСЛАРИ

Самарқанд университети жамоатчилик касблари факультетида практика ниҳоясига етди. Студентлар шаҳар маҳаллаларида илмий атеизм масалаларига доир уч юздан кўпроқ лекция ўқидилар. Факультет очилганидан бери ўн йил мобайнида еш лектор ва атеист мактабини, комсомол активи, спорт ва маданий-оммавий иш ташкилотчилари бўлимини саккиз мингдан кўпроқ киши битириб чиқди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

Шаҳрисабздаги мактаб ўқувчилари ўзларининг адабий кечасини Советлар мамлакати ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишладилар. Бу кеча кўп миллатли СССР адабиёти классикларининг асарларидан парчалар ўқиб бериш билан бошланди. К. Яшиннинг «Инқилоб тонги» драмасидан парча кўрсатган ёш артистлар ҳам мактаб саҳнасида ижодий имтиҳондан ўтдилар. Жомий номли мактаб ўқувчилари мамлакат миллатлари ва элатларининг адабиётини энг яхши билганлик учун ўтказилган ўзига хос конкурснинг ғолиби бўлдилар.

ХУЖАЛИК ТАРИХИ МУЗЕЙИ

Хўжайли районидаги Ленин номли колхозда хўжалик тарихи музейи очилди. Яқинда бу колхоз ўзининг ярим асрлик юбилейини нишонлаган эди. Экспозиция Қорақалпоғистон автоном республикасидаги энг кўҳна коллектив хўжаликнинг ташкил этилиши ва ривожланиши тўғрисида ҳикоя қилади. Бу колхоз меҳнаткашлари пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 60 центнергача етказишга муваффақ бўлдилар. Колхоз ҳақидаги ҳикояни меҳнат қуроллари ва деҳқон турмуши, ҳозирги замон қишлоқ хўжалик машина-механизмларининг макетлари тўлдиради.

Редактор М. КОРИЕВ.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: илмий коммунизм;
кафедра доценти: 2-педиатрия факультетининг факультет педиатрияси;
кафедра ассистентлари: тери-венерология касалликлари, сил касаллиги (ярим ставка), нейрохирургия, акушерлик ва гинекология, қулоқ-томоқ ва бурун касалликлари; 2-педиатрия факультетининг болалар касалликлари пропедевтикаси;
Марказий илмий-тадқиқот лабораториясининг раҳбари;
кафедра ўқитувчилари: рус тили (3 ўрин), КПСС тарихи, сиёсий иқтисод,ноорганик химия.

Конкурс муддати — 15 мартгача.

Мурожаат учун адрес: 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй.

•

1-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ трамвай ҳайдовчиларини тайёрлайдиган 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда, ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Трамвай ҳайдовчилари 50 процент ҳақини тўлаб (3 ой ичида) иш кийимини оладилар.

Ўқувчилар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Депо қошида ёшлар учун ётоқхона, болалар боғчаси, ясли, дам олиш зонаси мавжуд.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 105-алоқа бўлими, Гайдар кўчаси, 50-уй (1-трамвайнинг «Депо» бекати).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/II да **Гурунг**, 18/II да **Абу Али ибн Сино**, 19/II да **Инқилоб тонги**, 20/II да **Ганг дарёсининг қизи**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/II да **Олифта**, 18/II да **Хизматингизга тайёрмиз**, 19/II да **Ешлинда берган кўнгил**, 21/II да **Хотинимнинг эри**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/II да **Отасининг қизи**, 18/II да **Баланд дорга осилма**, 19/II да **Ишқ қурбонлари**, 20/II да **Хотинлар дастидан дод**.

•

Тошкент давлат университети жамоат ташкилотлари ва химия факультети коллективи катта инженер М. Г. Мухамедиевга укаси

Муҳаммадали МУХАМЕДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театрининг коллективи театр директори А. Хўжаевга отаси

Абдураҳмон ХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.15 — Кодли номи Жаҳуб момақалдироғи. Бадиий фильм. 1-серия. 11.15 — Киносаҳҳатчилар клуби. 12.15 — Концерт. 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.35 — Мусиқали программа. 17.20 — Рус тили. 17.50 — Концерт. 18.15 — Буратино кўргазмаси. 18.45 — Инсон ва қонун. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Экономика тезамли бўлиши керак. 19.50 — Қалбга яқин қўшиқлар. 20.30 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Тўпли хоккей. Зорький — Вимпель. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Ешлар адреслари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 13.10 — Биноқорлик касби ҳақида. 10.05 ва 12.05 — Немис тили. 10.35 ва 11.35 — География. 11.05 — Жамиятшуносликдан. 12.40 ва 13.40 — Умумий биология. 14.10 — В. Биков асарлари саҳифаларида. 15.05 — Ғалаба дастхатлари. 15.50 — Умумий биология. 16.20 — Гражданлик ҳуқуқи. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Концерт. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Физика. 12.00 — До-ре-ми-фа-соль. 12.30 — Физика. 13.00 — Резидентнинг тақдири. Бадиий фильм. 1-серия. 18.05 — Мультфильм. 18.20 — Концерт. 19.00 — Стадион ҳамма учун. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Анъаналар ва замонавийлик. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дирижёр ҳикоя қилади. 21.30 — Время. 22.05 — Алмашлаб экиш — мўл ҳосил гарови. 22.25 — Резидентнинг тақдири. Бадиий фильм. 2-серия. 23.35 — Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ-II. 18.20 — Математика. 19.20 — Чиқиқчилар беш йиллик зарбдор вахтасида. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Созларда севги сатри. Концерт. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Инсон ва қонун. 11.25 — Куйлар. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 19.25 — Қўшиқлар, яллалар. 21.00 — Шеърлар кечаси. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 23.15 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-10, 32-53-20, 33-35—53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик кабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Намалган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66 Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01700. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583 А. — 40 8